

Ўзбекистон Республикасининг

Қизил

Китоби ②

КРАСНАЯ КНИГА Республики Узбекистан

The Red Data Book of the Republic of Uzbekistan

ҲАЙВОНЛАР

Животные

Animals

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚИЗИЛ КИТОБИ

2 жилдли

II ЖИЛД

КРАСНАЯ КНИГА

РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

В 2-х томах

ТОМ II

THE RED DATA BOOK

OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

In 2 volumes

VOLUME II

ТОШКЕНТ - 2019

**Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академиясининг
академиги, биология
фанлари доктори, профессор
Жалолиддин Азимовнинг
умумий таҳрири остида**

Ў 32

**Ўзбекистон Республикасининг
Қизил китоби, II жилд: Ҳайвонлар;
Ж.А. Азимовнинг умумий таҳрири
остида. Т.: «Chinor ENK» экологик-
ноширлик компанияси. - 374 б. - Тит. в.
Ўзбек, рус ва инглиз тилларида.**

Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби II жилдида ҳайвонот оламининг камёб, йўқолиб кетиш хавфи остида турган турлари тўғрисидаги маълумотлар жамланган бўлиб, унда ҳар бир турнинг мақоми, қисқача тавсифи, тарқалиши, яшаш тарзи, сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари, муҳофаза ҳамда кўпайтириш чоралари келтирилган.

Китоб экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, зоологлар, ҳайвонот дунёси билан қизиқувчилар ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ББК 42(5Ў) Ў 32
УДК 502.172:582(575.1) Ў 32


Такризчилар:

М.Х. Аҳмедов,

биология фанлари доктори,
профессор

И.И. Абдуллаев,

биология фанлари доктори



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Б.Т. Қўчқоров

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси

Ж.А. Азимов

академик, биология фанлари доктори, профессор

Б.Р. Холматов

биология фанлари номзоди

Д.Б. Даминова

биология фанлари номзоди

I қисм бўйича илмий муҳаррир

У.Т. Мирзаев

биология фанлари номзоди

II қисм бўйича илмий муҳаррир

Д.А. Нуриджанов

III қисм бўйича илмий муҳаррир

Е.Н. Лановенко

биология фанлари номзоди

IV қисм бўйича илмий муҳаррир

Ю.О. Митропольская

биология фанлари номзоди

V қисм бўйича илмий муҳаррир

С.Ғ. Мухторалиев

“Chinor ENK” экологик-ноширлик компанияси раҳбари

Под общей редакцией академика,
доктора биологических наук, профессора
Джалалидина Азимова

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Б.Т. Кучкаров

председатель Государственного комитета Республики Узбекистан по Экологии и охране окружающей среды

Д.А. Азимов

академик, доктор биологических наук, профессор

Б.Р. Холматов

кандидат биологических наук

Д.Б. Даминова

кандидат биологических наук

научный редактор I части

У.Т. Мирзаев

кандидат биологических наук

научный редактор II части

Д.А. Нуриджанов

научный редактор III части

Е.Н. Лановенко

кандидат биологических наук

научный редактор IV части

Ю.О. Митропольская

кандидат биологических наук

научный редактор V части

С.Ғ. Мухторалиев

Руководитель экологической издательской компании “Chinor ENK”

Кириш

1. Ўзбекистонда фауна хилма-хиллиги ҳолати ва қисқариши сабаблари

Ўзбекистон табиатининг биологик ва ландшафтлар хилма-хиллиги миллий бойлигимизнинг ажралмас қисмидир. Бу бойлик бир неча минг йиллик эволюция давомида юзага келган ҳамда аجدодларимиз томонидан бизга қолдирилган улкан меросдир. Зиммамизда бу меросни авлодларга хилма-хил ва барқарор тизим кўринишида қолдиришдек улкан ва масъулиятли вазифа турибди.

Сўнги бир неча ўн йиллар давомида Ўзбекистон биологик хилма-хиллигига анчагина путур етказилди. Авваламбор, бу собиқ СССР да марказлашган режалаштириш асосида йирик қишлоқ хўжалиги ва саноат лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ эди, бунда уларнинг атроф ва ижтимоий муҳитга таъсири эътибордан четда қоларди. Бундай режалаштиришда Ўзбекистонга арзон қишлоқ хўжалиги ва геологик хомашё етказиб берувчи ички экспортёр сифатида қаралган. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистонда экологик вазиятнинг ёмонлашувига олиб келувчи салбий жараёнлар ривожланишига сабаб бўлди.

Қишлоқ хўжалигида пахта яккахокимлиги устуворлиги, ирригация мақсадида ташқи салбий таъсирларга монанд чўл ҳудудларининг кенг миқёсда ўзлаштирилиши Орол денгизи экологик фалокатига, жанубий, марказий ва шимоли-ғарбий минтақалардаги ерларнинг иккиламчи шўрланишига, тарихан шаклланган сув экотизимларининг ўзгаришига, сунъий ташланма сув ҳавзалари тармоқларининг ҳосил бўлишига, атроф-муҳитнинг ўта хавфли дефолиантлар ва пестицидлар билан заҳарланишига олиб келди. Бу омиллар чўллардаги ноёб хусусиятларига кўра бетакрор айрим чўл биологик мажмуаларининг (Фарғона чўли, текислик дарёлари ўзанларидаги тўқайзорлар, Амударё дельтаси ва ҳоказо) йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлди. Бундай жараёнлар Республикадаги санитария-эпидемиология ва паразитология ҳолатлари кескинлашувига, шунингдек, минтақадаги умумиқлимий ўзгаришларга таъсир этаётганлиги ҳаммага аён.

Собиқ Иттифоқда замонавий ускуна, техника ва технологиялар таъминотисиз газ қазиб олиниши ва унинг экспортини жадаллаштириш ғоят нозик экологик тизимларнинг таназулга юз тутишига олиб келди. Чирчиқ-Оҳангарон саноат мажмуаси кимё ва тоғ-кон саноати

корхоналарининг чиқиндилари атмосфера ҳавоси ва тупроқларни кенг кўламда ифлослантириб, тоғ экологик тизимлари ва аҳоли саломатлигини жиддий хатар остига қўйди.

Ўзбекистон Ўрта Осиё минтақасидаги бир қанча биогеографик ўлкалар туташган ҳудудда жойлашганлиги унинг ҳайвонот оламининг ниҳоятда ранг-баранглигини белгилайди. Чўл ва саҳролардан иборат кенг текисликлар, тоғ-даштлар, ўрмонлар, яйловлар, тўқайзорлар, сув ҳавзалари, маданий ландшафтлар – буларнинг барчаси ўзига хос фаунистик мажмуаларга эга экотизимларни ташкил этади.

Республика фаунаси жуда қадимий бўлиб, у мураккаб генетик ришталар билан боғланган. Бу ўлкада Турон ва Туркистон эндемик ва автохтон турларининг аҳамияти катта. Шу билан биргаликда тарихий ўтмишда бу ерга бошқа ўлкалардан – Марказий Осиёдан, Ҳинди-Хитойдан, Ўрта Ер денгизи атрофларидан, Евроосиё чўлларидан кириб келган ҳайвон гуруҳларининг ҳам муайян ўрни мавжуд. Фаунанинг бир қисми эса Узоқ Шарқ, Кавказорти, Европа ва Америкадан олиб келиб иқлимлаштирилган ёки тасодифан келиб қолган турлардан иборат. Умуман олганда, замонавий Ўзбекистон фаунасида умуртқалиҳайвонларнинг 714 тури (сутэмизувчилар – 107, қушлар – 467, судралиб юрувчилар – 61, амфибиялар – 3 ва балиқлар – 76) мавжуд, умуртқасиз ҳайвон турлари эса 15 мингдан ортиқ. Сўнги ўн йил давомида табиатдан фойдаланишнинг кучайиши оқибатида, Ўзбекистондаги кўплаб ҳайвон турлари кучли антропоген таъсир остида қолиб, уларнинг яшаш жойлари ва сони қисқарди, баъзилари эса бутунлай йўқ бўлиб кетди. Айниқса, ов объектлари сифатида муҳим аҳамиятга эга сутэмизувчилар ва қушларнинг йирик турлари, шунингдек, инсон томонидан аёвсиз ўзлаштирилаётган, ташқи таъсирга унчалик чидамли бўлмаган экотизимларнинг эндемик ва чекланган турлари катта хавф остида қолди. Жумладан, Турон йўлбарси, гепард, Орол сулаймон балиғи каби ҳайвонлар умуман йўқ бўлиб кетди, қоплон, сиртлон, йўрға тувалоқ, Сирдарё ва Амударё кичик куракбурунлари, Орол баҳриси кабилар йўқ бўлиб кетиш арафасида турибди. Устюрт ва Бухоро қўйлари, морхўр, қорақулоқ, Ўрта Осиё қундузи, оқбош ўрдак, вишилдоқ оққуш, мрамар чуррак, йўрға тувалоқ, оқбовур, хентоғ тўғаракбоши, Фарғона тарғил калтакесакчаси, Орол мўйлабдори, чўртансифат

оққайроқ, айрим моллюска ва ҳашаротлар йўқ бўлиб кетиш хавфи остида турибди. Кўплаб ҳайвон турларининг сони ҳозирда танглик поёнида бўлмаса-да, узлуксиз камайиб бормоқда. Суғориладиган майдонларни кенгайтириш мақсадида Мирзачўл, Жиззах, Қарши ва Сурхон-Шеробод чўллари, Фарғона водийсининг марказий қисми, Тянь-Шань ва Помир-Олой тизмаларининг ғарбий этакларидаги адирлар ўзлаштирилди. Суғориш туфайли ўзлаштирилган ҳудудларда экологик вазият тубдан ўзгарди. Бундай шароитга мослаша олмаган кўплаб чўл ҳайвонларининг сони кескин камайиб кетди. Жайрон, йўрға тувалоқ ва бошқа ҳайвон турлари ареалларининг қисқариши бунинг ёрқин далилидир. Текисликлардаги йирик дарёлар ўзанларидаги ўзгаришларни ҳам шулар жумласига киритиш мумкин. Тўқайзорларнинг аксарият қисми кесиб ташланиши ҳамда сув режимининг ўзгариши туфайли таназзулга юз тутди. Бу эса тўқайзорларда яшовчи Бухоро буғуси, тустовуқ ва бошқа эндемик кенжа турлар яшаш жойларининг кескин қисқариб кетишига олиб келди.

Йирик гидроиншоотларнинг қурилиши, Орол денгизи сув сатҳининг пасайиб кетиши ва сувининг ўта шўрланиши сабабли унинг туб ихтиофаунаси бутунлай қирилиб кетди, қисқичбақасимонлар ва моллюскаларнинг кўплаб эндемик турлари йўқ бўлиб кетиш ҳолатига келиб қолди. Дарёлар оқимининг сунъий тартибланиши йирик сув омборлари ва ирригация тизимларининг қурилиши, дарёларнинг юқори қисмларида сувнинг тоғ-кон саноати эҳтиёжлари учун олиниши, сув ҳавзаларининг ифлосланиши, четдан келтирилган балиқ турларининг салбий таъсири маҳаллий ихтио ва малакофауналарнинг яшашига таҳдид солмоқда. Жанубий Оролбўйида экологик шароитнинг ўзгариши оқибатида Амударё дельтасида қачонлардир вишилдоқ оққуш, пушти ва жингалак сақоқуш, корабузов ва бошқа камёб қушлар макони ҳамда орнитологик нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга бўлган ботқоқликлар бугунда ўз моҳиятини йўқотди.

Тоғ-кон саноатининг жадал суръатлар билан ривожланиши, дарахт ва буталарнинг кесилиши ҳамда чорвачилиқда яйловлардан ҳаддан ташқари кенг фойдаланиш натижасида ерларнинг нураши, рекреация фаолиятининг уйғунланиши – буларнинг барчаси тоғ экотизимларининг ўзгариши ва кўплаб умуртқасиз ҳайвонларнинг локал яшаш жойлари йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Шуниси равшанки, ёввойи ҳайвонлар ва уларнинг яшаш жойлари муҳофазаси бўйича махсус қонунчилик асосида амалий чоратadbирлар қўрилмаса, уларнинг табиатда йўқ бўлиб кетиши хавфини бартараф қилиб

бўлмайди. Ҳайвонларнинг ҳар бир тури табиатнинг тарихан такрорланмас, генетик жиҳатдан ягона, ҳар қандай биологик ҳамжамоада фақат ўзига хос ўрнига ва унинг барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган инъомдир.

Ўзбекистонда биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш борасида бир қанча тадбирлар амалга оширилмоқда. Уларни янада жадаллаштириш камёб ва йўқ бўлиб кетаётган ҳайвонлар муҳофазасини кучайтиришга ҳамда сонини тиклашга хизмат қилиши керак. Республикада ташкил қилинган қўриқхоналар (Ҳисор, Зомин, Китоб, Нурота, Қизилқум ва бошқ.), 3 та миллий табиат боғлари (Зомин, Угом-Чотқол, Зарафшон), "Сайгачий" мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхонаси, "Судочье қўллар тизими" давлат буюртма қўриқхонаси, буюртма хоналар (Денгизқўл, Қорақир, Арнасой ва бошқ.), биосфера резервати (Қуйи Амударё) ва табиат ёдгорликларидан («Варданза», «Ёзёвон», «Мингбулоқ» ва бошқ.) иборат экологик тармоқ ҳайвонот оламининг мажмуавий муҳофазасига ва унинг ресурсларидан барқарор фойдаланишга хизмат қилмоқда. Нафақат республикамизда, балки бутун минтақада ягона камёб ҳайвонларни кўпайтириш, уларни сақлаш ва реинтродукция қилиш билан шуғулланувчи Бухоро ихтисослашган "Жайрон" питомниги ҳам муҳофаза қилинадиган ҳудуд мақомига эга.

Республика қўриқхоналарида Қизил китобга киритилган Бухоро буғуси, морхўр, Қизилқум архари, кўк суғур, Туркистон силовсини каби ҳайвонлар, йирик йиртқич қушлар ва ҳашаротлар муҳофаза остига олинган. Камёб ва йўқ бўлиб кетаётган ҳайвонларни яримтутқинлик шароитида кўпайтириш, уларни сақлаб қолиш ва сонини тиклаш – истиқболли йўналиш ҳисобланади. Бу соҳадаги муҳим амалий одимлардан бири – "Камёб ҳайвонлар турларини кўпайтириш Бухоро ихтисослашган "Жайрон" питомниги" (Бухоро вилояти) олиб бораётган изланишлардир. Бу ерда республика Қизил китобига ва халқаро Қизил рўйхатга киритилган жайрон (ТМХИ), Бухоро қўйи, морхўр, қулон, Пржевальский оти каби турларни кўпайтириш ва қўриқлаш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Йўқ бўлиб кетиш хавфи остида турган йўрға тувалоқни сунъий шароитларда кўпайтириш, кейинчалик ёввойи табиатга қайтариш ишлари Навоий ва Бухоро вилоятларидаги бир қатор ҳайвонлар кўпайтириладиган жойларда амалга оширилмоқда.

2. Фауна хилма-хиллигини сақлашнинг қонуний асослари

Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш ва табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик тобора такомиллашиб бормоқда. Бунинг натижасида ушбу соҳадаги халқаро ҳамкорлик уйғунлашиб, жамоатчиликнинг экологик муаммоларга бўлган қизиқиши ва қайғуриши ортиб бормоқда. Йилдан-йилга нодавлат жамоа экологик ташкилотлари тармоқлари кенгайиб бормоқда. Улар аҳоли орасида экологик тафаккурни шакллантириш ҳамда ёввойи табиатни сақлаб қолиш масалалари борасида давлат муассасалари билан фаол ҳамкорлик қилмоқда.

“Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” (1992), “Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисида” (2004), янги таҳрирдаги “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги (2016) қонунларнинг, шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида”ги (2014) 290-сонли Қарорининг чиқиши ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистонда овчилик ва балиқчилик билан шуғулланиш тартиби юқорида кўрсатилган қонунлар, қарор ҳамда “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ов ва балиқчилик соҳаси қондалари (2006) каби ҳужжатлар асосида мувофиқлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси “Биологик хилма-хиллик тўғрисида”ги Конвенцияга (1995) қўшилиб, халқаро ҳамжамият олдида ўзининг миллий биологик ресурсларини муҳофаза қилиш учун жавобгарлигини эълон қилди. Ўзбекистоннинг бу борадаги кейинги қадамлари – 1997 йилда “Йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турларининг халқаро савдоси тўғрисида”ги (CITES), 1998 йилда “Кўчиб юривчи ҳайвонлар турларининг муҳофаза қилиш тўғрисида”ги (Бонн-CMS), 2001 йилда “Халқаро аҳамиятга эга, сувда сузувчи қушларнинг яшаш жойлари сифатида сув-ботқоқли жойлар тўғрисида”ги (Рамсар (WI) Конвенцияларини имзолаши бўлди. Бонн Конвенцияси доирасида ҳайвоннинг камёб ва йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги турларини муҳофаза қилиш бўйича “Ингичка тумшукли балчиқчи юзасидаги ҳамфикрлик тўғрисидаги Меморандум” (1994) ва “Оқ турнани муҳофаза қилиш тўғрисидаги ҳамфикрлик Меморандум” (1998), “Африка-Евроосиёнинг сувда сузувчи кўчманчи сув-ботқоқ қушларини муҳофаза қилиш бўйича Битим” (AEWA) (2003), “Бухоро буғуси (*Cervus elaphus bactrianus*) ни сақлаш ва тиклаш масалалари бўйича ҳамфикрлик тўғрисида меморандум” (2002), Оқ куйрук (сайғоқ) (*Saiga*

tatarica tatarica)ни муҳофаза қилиш, тиклаш ва барқарор фойдаланиш юзасидаги ҳамфикрлик тўғрисида меморандум” (2006) каби халқаро битимлар имзоланди.

Атроф-муҳитни экологик жиҳатдан соғломлаштириш жараёнларини уйғунлаштириш ва биологик хилма-хилликни муҳофаза қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда “Ўзбекистон Республикасининг биологик хилма-хиллигини сақлашнинг миллий стратегияси ва ҳаракат режаси”ни (1998) ишлаб чиқди. Қизил китобни юритиш мазкур стратегиянинг таркибий қисми бўлиб, биологик хилма-хилликни сақлаш борасидаги ҳаракатнинг навбатдаги босқичидир. Қизил китоб ҳайвонот оламини сақлаш соҳасидаги муҳим миллий аҳамиятга эга бўлган асосий давлат ҳужжати бўлибгина қолмасдан, балки Ўзбекистон Республикасининг халқаро конвенция ва битимларни қабул қилиш пайтида ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг ифодаси ҳамдир. Китоб, бир томондан, ҳайвон турларининг табиатда йўқ бўлиб кетиши жараёнининг ҳужжати – шаҳодатномаси бўлса, иккинчи томондан – уларни сақлаб қолишни амалга ошириш режаларининг асосидир. Шу билан биргаликда у давлат ва жамоа ташкилотлари, илмий муассасалар ва аҳоли диққатини юртимиз табиатини муҳофаза қилиш муаммоларига жалб қилувчи нашрдир.

Республикада Қизил китобни тузиш ва юритиш масалалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қизил китобини тайёрлаш, нашр этиш ва юритишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ белгиланган.

3. Қизил китобларни (рўйхатларни) юритиш

Дунёдаги йўқ бўлиб кетаётган ҳайвон турларига бағишланган дастлабки махсус китоблар 1945 йилдан нашр қилина бошлаган. Лекин глобал Қизил китобни ҳамда камёб, йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ҳайвон турлари рўйхатини тузиш ва юритишнинг илк ғояси 1948 йилда ташкил этилган Табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқига (ТМХИ/IUCN) тегишлидир. Унинг ташаббуси билан йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ҳайвонларнинг рўйхатини тузиш бўйича улкан ишлар бажарилган. 1966 йилдан бошлаб ТМХИ нинг Турларни сақлаб қолиш комиссияси ТСК/ТМХИ (SSC/IUCN) бошқа табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан

ҳамкорликда халқаро “Қизил китоб” (Red Book) нинг дунёвий ва минтақавий фауналарга мансуб ҳайвонларнинг турли систематик гуруҳларига бағишланган алоҳида нашрларни (Балиқлар, Амфибия ва Судралиб юривчилар, Қушлар, Америка ва Австралия сутэмизувчилари, Умуртқасизлар, Елканлилар ва ҳоказо) чоп эта бошлади. Тазйиққа таъсирчан турлар ёки ҳайвонлар гуруҳлари тўғрисидаги батафсилроқ маълумотлар 1986 йилдан бошлаб “Биологик хилма-хилликни муҳофаза қилиш бўйича ТСК/ТМХИ нинг ҳаракат режалари” номи билан махсус китоблар сериясида нашр қилиб келинмоқда. Шу вақтгача бу китобларнинг 40 га яқини нашр қилинди (Кийиклар, Ёввойи қўй ва эчкилар, Ёввойи мушуксимонлар, Қундузлар, Қирғовуллар, Турналар, Елканлилар, Ниначилар ва б.). 1985 йилдан бошлаб шу каби алоҳида нашрлар (1–23) “Биологик муҳофаза бўйича ТСК/ТМХИ нинг махсус мақолалари” номи билан нашр қилинмоқда (Кемирувчилар, Тошбақалар, акулалар, Моллюскалар, Ферузақанотлилар ва б.). Ушбу нашрлар тазйиққа таъсирчан турларни сақлаб қолиш бўйича халқаро Режа ҳамдир.

ТМХИ томонидан 1963–1996 йилларда нашр қилинган “Йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ҳайвонларнинг Қизил рўйхатлари” (Animals and plants threatened with extinction: IUCN Red List of Threatened Animals) ҳамда 2003 йилда нашр қилинган “Йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги турлар Қизил рўйхати” (IUCN Red List of Threatened species) муҳим амалий аҳамиятга эга бўлди. ТМХИ нинг ушбу Қизил рўйхатлари ҳайвонлар турлари, кенжа турлари ва популяциялари ёввойи табиатда йўқ бўлиб кетиш хавфи тоифалари бўйича тақсимланган, мунтазам равишда янгиланиб турувчи глобал каталог шаклида тузилган. Дастлабки халқаро Қизил китобларнинг чиқиши миллий ва минтақавий Қизил китоб ва Қизил рўйхатларнинг яратилиши учун асосий туртки бўлди. Ҳозирда бундай нашрлар Европа ва Марказий Осиё давлатларининг кўпчилигида, Туркия, АҚШ, Бразилия, Жанубий Африка Республикаси, Япония, Вьетнам, Таиланд, Тайвань, Корея, Австралия, Янги Зеландия ва бошқа мамлакатларда мавжуд.

Ўзбекистоннинг биринчи Қизил китоби 1983 йилда нашр қилинган бўлиб, унга умуртқали ҳайвонларнинг 63 тури киритилган эди. Қизил китоб даврий нашрдир ва ҳар ўн йилда камида бир марта янгиланиб чоп этилиши лозим. Ушбу муддат ичида Қизил китобга киритилган турларнинг мақоми ўзгариши, олиб борилган махсус муҳофаза чоралари туфайли баъзи турларнинг сони тикланиши ва аксинча, бошқа турларнинг сони яшаш шароитининг ёмонлашуви ҳамда бошқа таъсир этувчи

омиллар ҳисобига қисқаришда давом этиши ва ҳаттоки бошқа тоифага ўтиши мумкин.

Фанлар академиясининг Зоология институти ва Ўзбекистон Зоологлар жамиятининг саъй-ҳаракатлари билан юртимиз фаунасининг шу кундаги аҳволини ва кўпгина ҳайвонлар турлари мақомини баҳолашга имкон берувчи жуда бой маълумотлардан 2009 йилда нашр қилинган Қизил китобга сутэмизувчиларнинг 24 тури (кенжа турлар билан 25), қушларнинг 48 тури (кенжа турлар билан 51), судралиб юривчиларнинг 16 тури, балиқларнинг 17 тури (кенжа турлар билан 18), ҳалқасимон чувалчангларнинг 3 тури, моллюскаларнинг 14 тури ва бўғимоёқдиларнинг 60 тури киритилган. Қизил китобнинг 2019 йилдаги нашрига сутэмизувчиларнинг 30 тури (кенжа турлар билан 32), қушларнинг 52 тури, судралиб юривчиларнинг 21 тури, балиқларнинг 17 тури (кенжа турлар билан 18), ҳалқасимон чувалчангларнинг 3 тури, моллюскаларнинг 14 тури ва бўғимоёқдиларнинг 66 тури киритилди.

4. Турларнинг табиатда йўқ бўлиб кетиш хавфи тоифалари

Мазкур нашрда қўлланилган турларнинг табиатда йўқ бўлиб кетиш хавфи тоифаларининг миллий тизими ТМХИнинг (2001) миқдорий мезонлардан фойдаланилган замонавий 3.1-талқинига асосланган. Шунинг учун ҳам у турларни таснифлашда илгари қўлланилган усуллардан фарқли ўлароқ объектив натижаларни таъминлайди. Энг муҳими, мазкур тизимда анъанавий рақамли белгилардан ташқари, миллий даражада баҳоланган ҳайвон турларини ТМХИ Қизил рўйхатларига киритиш имконини берувчи халқаро аббревиатурали (қисқартма) белгилардан фойдаланилди.

Тоифаларни аниқлаш мезонлари асосини турларнинг асосий ҳаётий параметрларини (сони, ареали, яшаш муҳити ва ҳоказо) таҳлил қилиш бўйича илмий маълумотлар ташкил этади. Аслида айнан шу параметрларнинг турлар яшаб қолиши учун таҳдид поёнига яқинлиги ўша турларнинг табиатда йўқ бўлиб кетиши бўйича хавф даражасини белгилайди. Бироқ бундай параметрлар ҳамма турлар учун ҳам маълум эмас ёки уларни тўплаш анча мушкул бўлади. Шу туфайли тоифаларни аниқлаш мезонларнинг формаллаштирилган тизими ёрдамида амалга оширилади. Турлар (кенжа турлар)ни табиатда йўқ бўлиб кетиш хавфи бўйича баҳолашнинг миллий тизими қуйидаги тоифаларни ўз ичига олади.

Йўқ бўлиб кетган (0) турлари “мамлакатда йўқ бўлиб кетган” “Regionally Extinct” (EX)

ёки “Мамлакат ёввойи табиатида йўқ бўлиб кетган” – “Regionally Extinct in the Wild” (EW) деб белгиланиши мумкин. Турга мансуб охирги зот ўлган ёки бошқа сабабларга кўра йўқ бўлиб кетган бўлса, у мамлакат ҳудудида йўқ бўлиб кетган деб ҳисобланади. Бундай турларнинг бир қисми ер юзида йўқ бўлиб кетган “Globally Extinct” (EX) бўлиши ҳам мумкин. Агар тур фақат тутқунликда хонаки шароитда ёки собиқ ареалидан ташқарида табиийлаштирилган популяция сифатида сақлаб қолинган бўлса, у мамлакат ёввойи табиатида йўқ бўлиб кетган деб ҳисобланади. Бундай турларнинг бир қисми дунё ёввойи табиатида йўқ бўлиб кетган – “Globally Extinct in the Wild” (EW) бўлиши ҳам мумкин.

Хавfli ҳолатдаги (1) турлар “Бутунлай йўқ бўлиб кетиш арафасидаги” – “Critically Endangered” (CR), ёки “Йўқ бўлиб кетаётган” – “Endangered” (EN) деб баҳоланади. Агар турнинг ҳаётий параметрлари яшаб қолиши учун таҳдид поёнига етган (ёки яқин келажакда унга етиб қолиши эҳтимоли юксак даражада бўлса) ва шунинг учун унинг ёввойи табиатда йўқ бўлиб кетиш хавфи фавқулодда юқори бўлса, у бутунлай йўқ бўлиб кетиш арафасида турган деб ҳисобланади. Агар турнинг ҳаётий параметрлари яшаб қолиши учун таҳдид поёнига яқин (ёки яқин келажакда унга етиб қолиши эҳтимоли катта бўлса) ва шунинг учун у ёввойи табиатда йўқ бўлиб кетиш хавфи остида бўлса, у йўқ бўлиб кетаётган ҳолатдаги тур деб ҳисобланади.

Турнинг ҳаётий параметрлари яшаб қолиши учун таҳдид поёнидан унча узоқ бўлмаса (ёки унга ноаниқ давр мобайнида ўртача эҳтимоллик билан яқинлашиб қолса) ва шу боис унинг ёввойи табиатда йўқ бўлиб кетиш хавфи ўртача даражада бўлса, бу тур “Заиф” (2) деб ҳисобланади. Заиф тоифасига мансуб турнинг ҳаётий параметрлари торайиб бораётган ёки жуда ўзгарувчан ҳолатда бўлса, у “Қисқариб бораётган” “Vulnerable:Declining – (VU:D= TMXI нинг D мезонисиз VU тоифаси) деб баҳоланади.

Турнинг ҳаётий параметрлари яшаб қолиши учун таҳдид поёнидан нисбатан узоқ бўлса-да, аммо ноаниқ давр мобайнида унинг шу даражага етиши эҳтимоли мавжуд бўлган ҳолда тур “Йўқ бўлиб кетиш эҳтимолига яқин” (3) “Near Threatened” – (NT) деб белгиланади. Ушбу тоифадаги турлар “Заиф” тоифасига мансуб турларга бўлиб, уларнинг амалий муҳофаза мақомлари ҳам бир-биридан фарқ қилмайди. Мазкур тоифага, хусусан, ўтмишда йўқ бўлиб кетиш хавфи остида бўлган, аммо ўз ареали ва сонини барқарор ҳолатга келтирган турлар, шунингдек, табиат муҳофазаси доирасига киритилган ҳамда муҳофаза ҳолати муҳофазага боғлиқ бўлган турлар киради.

“Маълумотлар танқис” (4)- “Data Deficient” - (DD) тоифаси мақоми бўйича ноаниқ ва йўқ бўлиб кетиш ҳолати тоифаларига мансуб бўлмаган турларни ўз ичига олади. Турни ушбу тоифага киритиш у ҳақдаги мукамалроқ маълумотлар талаб қилинишини ва бўлғуси тадқиқотлар уни йўқ бўлиб кетиш хавфи тоифаларидан бирига киритиш имкониятини яратишини эътироф этади. Агар турнинг ҳаётий параметрлари ҳақидаги мавжуд маълумотлар йўқ бўлиб кетиш хавфини бевосита ёки билвосита баҳолашнинг имкониятини бермаса, бундай тур мақоми жиҳатидан ноаниқ деб ҳисобланади.

Ёввойи табиат турларини мезонлар шкаласи бўйича тоифалашда қуйидаги умумий қоидаларга амал қилинди:

– миллий (минтақавий) миқёсда: а) ўзларининг табиий ареали ичида доимий ёки вақтинча тарқалган ва б) ёввойи табиат шароитларига мослашган ҳамда камида ҳар қандай 10 йил мобайнида ўзидан кўпайган кўчманчи ёввойи табиат турлари баҳоланади; бундай баҳоланишдан а) маҳаллий ёввойи табиат шароитига мослашмаган кўчманчи турлар ва б) узоқ кузатишлар мобайнида якка ва номунтазам қайд қилинган, кўчиб ўтиш йўллари ҳар доим ҳам мамлакат ҳудудидан ўтмайдиган (ва бу ўтиш йўллари уларнинг табиий ареали бўлмаган) тасодифий транзит мигрантлар мустаснодир;

– мамлакат учун эндемик бўлган ёки бу ерда аниқ яккаланган популяция шаклида мавжуд бўлган турларнинг мақоми ўзгартиришсиз баҳоланади;

– агар турнинг мамлакатдаги популяцияси йирик, яккаланган мамлакатлараро популяциянинг бир қисми бўлса, унга мамлакатлараро популяциянинг тоифаси берилади;

– турнинг муайян ҳудудда кўчиб юрувчи ва кўпаювчи гуруҳлари алоҳида-алоҳида баҳоланиши мумкин;

– турлар барча мезонлар бўйича баҳоланади ва ўзларига мос энг юқори тоифага киритилади;

– бевосита кузатиш маълумотлари етарли бўлмаган ҳолларда эксперт баҳолари ва хулосалари, тахминлар ва башоратлар қўлланилади;

– турлар мезонлар бўйича баҳоланганда белгиланган баҳо уларнинг асл ҳолатини акс этмаса, аммо у “Заиф” тоифасига яқин бўлса, бундай ҳолда тур “Йўқ бўлиб кетиш эҳтимолига яқин” тоифасига киритилади;

– маълумотлар етишмаслиги туфайли турни баҳолашнинг иложи бўлмаса ва у бир неча тоифага яқин бўлса, бундай ҳолда у “Маълумотлар танқис” тоифасига киритилади.

Турли сабабларга кўра миллий Қизил китобга киритилмаган турларни ТМХИ Қизил

китоб тоифалари бўлмаган қуйидаги техник тоифаларга киритишни тавсия қилади:

- "Энг кам хавф туғдираётган" - "Least Concern (LC)" - мезонлар бўйича баҳоланган, аммо белгиланган баҳога тўлиқ мос келмайдиган ёки "Йўқ бўлиб кетиш эҳтимолига яқин" бўлмаган турлар;

- "Баҳоланмайдиган" - "Not Applicable (NA)" - миллий миқёсда баҳоланмайдиган турлар;

- "Баҳоланмаган" - "Not Evaluated (NE)" - мезонлар бўйича ҳали баҳоланмаган турлар. Айрим турлар тоифаларини аниқлашда (мумкин бўлган ҳолларда) ТСК/ТМХИ тавсия этган RAMASTM Red List компьютер дастуридан фойдаланилди ("Мақоми ноаниқ бўлган хатарли ҳолатдаги турларни таснифлаш" 2001 йил, 2-талқин).

Ушбу нашрни тайёрлашда асосан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Зоология институти (аввалги Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти) ходимларидан иборат кўп сонли тузувчи-муаллифлар жамоаси қатнашди. Бир қатор очерклар Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат биологик назорати

инспекцияси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университети, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Карантин ва ўта хавfli юқумли касалликларнинг олдини олиш маркази, Самарқанд ўлкашунослик музейи, Ўзбекистон қушлар муҳофаза қилиш жамияти, шунингдек, бошқа илмий муассасаларнинг илмий изланишлари асосида тайёрланди.

Китобга киритилган маълумотлар мамлакатимизнинг қатор илмий муассасаларида, жамоатчилик экологик ташкилотларида кенг муҳокама қилинди. Китобдаги тасвирий маълумотлар Қизил китобни тайёрлашга масъул бўлган ташкилот ва муассасаларнинг фаолияти давомида йиғилган бўлса, уларнинг бир қисми нашриёт томонидан нашрнинг оммабоплигини ҳамда дизайн жиҳатидан сифатлилигини таъминлаш мақсадида эркин фойдаланиш манбаларидан олинган.

Таҳрир ҳайъати мазкур нашрни амалга оширишда ўз қўмақларини аямаган барча ташкилот ва мутахассисларга ўз миннатдорчилигини изҳор қилади.



Введение

1. Состояние и причины сокращения фаунистического разнообразия Узбекистана

Биологическое и ландшафтное разнообразие Узбекистана – одно из наших национальных богатств. Оно было завещано нам тысячелетиями эволюции и культурно-исторических традиций многих поколений коренных народов. Мы несём совместную ответственность за то, чтобы передать это наследие потомкам в виде разнообразной и устойчивой системы.

За последние десятилетия биологическое разнообразие Узбекистана подверглось значительному истощению. Это, прежде всего, было связано с централизованным планированием крупных сельскохозяйственных и промышленных проектов, осуществлявшихся в прежние годы без реального анализа воздействия на окружающую и социальную среду в регионах. При этом, республике отводилась роль внутреннего экспортёра дешёвого сельскохозяйственного и геологического сырья. Все это обусловило развитие негативных процессов, ведущих к ухудшению экологической обстановки в Узбекистане.

Преимущественная ориентация сельского хозяйства на монокультуру хлопчатника, избыточная ирригационная деятельность на широко осваиваемых легкоуязвимых пустынных территориях, привели к экологической катастрофе Аральского моря, значительному вторичному засолению земель в Южном, Центральном и Северо-западном регионах страны, трансформации исторически сложившихся водных экосистем, образованию искусственной сети сбросных водоёмов, загрязнению окружающей среды высокотоксичными дефолиантами и пестицидами. Эти факторы послужили причиной уничтожения уникальных пустынных биологических сообществ (Ферганская пустыня, тугайные леса по руслу равнинных рек, дельта р. Амударья и т.д.). Влияние таких процессов на обострение санитарно-гигиенической и паразитологической обстановки в республике, а также на климатические изменения на глобальном и региональном уровнях, общеизвестно.

Интенсификация добычи и экспорта газа при недостаточном оснащении современным оборудованием, техникой и технологиями, привели к биологической деградации уязвимых экосистем. Загрязнение воздуха и почвы выбросами химических, горнодобывающих производств Чирчик-Ангренского промышленного комплекса приняло масштабы, угрожающие самому существованию горных экосистем, а также, здоровью населения.

Особое географическое положение Узбекистана внутри среднеазиатского региона на стыке нескольких биогеографических провинций, определяет значительное богатство его животного мира. Вместе с тем оно является и отражением исключительного многообразия природных условий республики, где обширные равнины, занятые пустынями различного типа, горные степи, леса и альпийские луга, тугайные заросли, водоёмы, культурные ландшафты образуют характерные экосистемы со свойственными им фаунистическими комплексами. Фауна республики отличается древностью и сложными генетическими связями. Значительную роль здесь играют туранские и туркестанские эндемичные и автохтонные виды. Большое место принадлежит также группе животных, проникших на территорию страны в историческом прошлом из других регионов Центральной Азии, Индокитая, Средиземноморья, степей Евразии. Часть фауны представлена акклиматизантами с Дальнего Востока, Закавказья, Европы и Америки. В целом, современная фауна позвоночных животных Узбекистана насчитывает 714 видов (107 видов млекопитающих, 467 видов птиц, 61 вид пресмыкающихся, 3 вида амфибий и 76 видов рыб), фауна же беспозвоночных оценивается в 15 тысяч видов. За последние десятилетия, в результате усиления природопользования, многие виды животных Узбекистана испытали на себе сильное антропогенное воздействие и сократили свой ареал и численность; некоторые из них полностью исчезли. Наибольшей угрозой подвергаются крупные виды млекопитающих и птиц, имеющие большую практическую ценность как объекты охотничьего промысла, а также эндемичные и локально распространённые виды, встречающиеся в пределах уязвимых, интенсивно осваиваемых человеком экосистем. В частности, уже исчезли туранский тигр, гепард, аральская кумжа. На грани исчезновения находятся леопард, полосатая гиена, дрофа, сырдарьинский, амударьинский малый и большой лопатоносы, аральский шип. В особо угрожаемом состоянии находятся устюртский и бухарский бараны, винторогий козёл, каракал, среднеазиатская выдра, савка, лебедь-шипун, мраморный чирок, дрофа-красотка, белобрюхий рябок, хентаунская круглоголовка, полосатая ферганская ящурка, аральский усач, шуковидный жерех, некоторые моллюски и насекомые.

Численность многих животных ещё не достигла критического уровня, но неуклонно сокращается. Всё это – следствие хозяйственного освоения территорий, загрязнения окружающей среды, нерационального использования биологических ресурсов. Основу сельского

хозяйства Узбекистана составляет орошаемое земледелие. С целью расширения орошаемых площадей были освоены Голодная и Джизакская, Каршинская и Сурхан-Шерабадская степи, центральная часть Ферганской долины, полоса предгорий вдоль западных окраин Тянь-Шаня и Памиро-Алая. Как известно, орошение коренным образом меняет экологическую обстановку, делая невозможным выживание в новых условиях многих животных. Яркий пример этому – сокращение ареалов обитания джейрана, дрофы-красотки и других видов. Подобные же изменения произошли и в долинах крупных равнинных рек. Большинство тугайных лесов вырублены или деградировали вследствие изменения водного режима. Это в свою очередь, привело к сокращению ареалов бухарского оленя, эндемичных подвидов фазана и других обитателей тугайных лесов. В результате крупного гидростроительства, падения уровня Аральского моря и сильного его осолонения полностью вымерла аборигенная ихтиофауна, многие эндемичные виды ракообразных и моллюсков этого водоема находятся на грани исчезновения. Зарегулирование стока рек, строительство водохранилищ и крупных ирригационных систем, горнопромышленная эксплуатация верховьев рек, загрязнение водоемов, воздействие рыб-вселенцев отрицательно сказываются на существовании многих аборигенных видов ихтио- и малакофауны. Вследствие изменения экологических условий в Южном Приаралье почти полностью потеряли своё прежнее значение богатейшие в орнитологическом отношении плавни дельты Амударьи, служившие основным местом гнездования лебедя-шипунa, савки, розового и кудрявого пеликанов, малого баклана и других редких видов птиц.

Трансформация горных экосистем в результате интенсивного развития горнодобывающей промышленности, вырубка древесно-кустарниковой растительности и перевыпас скота, ведущие к почвенной эрозии, чрезмерная рекреационная нагрузка являются определяющими факторами уничтожения локальных мест обитания многих беспозвоночных и позвоночных животных.

Стало очевидным, что без принятия специальных законодательных и практических мер по сохранению ряда видов диких животных и сред их обитания постоянно будет существовать прямая угроза их уничтожения. Вместе с тем известно, что каждый биологический вид – это неповторимое и генетически уникальное явление природы, занимающее определенное место в биологическом сообществе и обеспечивающее его устойчивость. За последние годы в Узбекистане в области сохранения биологического разнообразия предприняты серьезные меры, дальнейшее развитие которых должно способствовать усилению охраны и

воспроизводству редких и исчезающих видов животных. Комплексной охране и устойчивому использованию ресурсов животного мира Республики служит экологическая сеть, состоящая из 7 заповедников (Гиссарский, Зааминский, Китабский, Нурагинский, Кызылкумский и др.), 3-х национальных природных парков (Зааминский, Угам-Чаткальский, Зеравшанский), комплексный (ландшафтный) заказник "Сайгачий", государственный заказник "Судочье", заказников (Денгизкуль, Каракир, Арнасайский и др.), Нижне-Амударьинского и Угам-Чаткальского биосферных резерватов, 10 памятников природы («Варданзи», «Язъяван», «Мингбулакский» и др.). Статус охраняемой природной территории имеет и единственный не только в республике, но и в регионе Бухарский специализированный питомник "Джейран", занимающийся разведением, сохранением и реинтродукцией редких видов животных.

В заповедниках республики охраняются многие виды животных, включенные в Красную книгу: бухарский олень, винторогий козел, баран Северцова, сурок Мензбира, туркестанская рысь, крупные хищные птицы, беспозвоночные. Перспективным направлением в деле сохранения и восстановления численности редких и исчезающих видов животных является разведение их в полувольных условиях. Важным практическим шагом в этом отношении являются работы, проводимые в Бухарском специализированном питомнике "Джейран" (Бухарская область). Здесь сохраняются и разводятся виды, включенные в национальную Красную книгу и Международный Красный список (МСОП): кулан, лошадь Пржевальского, джейран, винторогий козел, бухарский баран. Разведение, находящейся под угрозой исчезновения дрофы-красотки в искусственных условиях с последующим выпуском в дикую природу, проводится в питомниках, расположенных в Навоийском и Бухарском вилоятах.

2. Законодательная основа сохранения фаунистического разнообразия

В Узбекистане постоянно совершенствуется законодательство в области демократизации общества и охраны природы и, как результат, наращивается международное сотрудничество, растут осведомленность и обеспокоенность общественности в экологических вопросах. Из года в год расширяется и крепнет сеть неправительственных общественных экологических организаций, активно сотрудничающих с государственными учреждениями в вопросах сохранения дикой природы и формирования экологического мышления у широких слоев населения. Большое значение для Республики

имело принятие Законов “Об охране природы” (1992), “Об охраняемых природных территориях” (2004), “Об охране и использовании животного мира” (2016); выход Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан № 290 “Об урегулировании использования биологических ресурсов и о порядке прохождения разрешительных процедур в сфере природопользования” (2014), утверждение Стратегии по сохранению биологического разнообразия в Республике Узбекистан на период 2019–2028 годы (ПКМ №484 от 11.06.2019г.)

Порядок ведения охоты и рыболовства в Узбекистане регламентируется вышеуказанными законами и постановлением, а также “Правилами охоты и рыболовства на территории Республики Узбекистан” (2006).

Подписанием Конвенции о биологическом разнообразии (1995) Узбекистан декларировал свою ответственность за сохранение национальных биологических ресурсов перед международным сообществом. Дальнейшими шагами в этом направлении явились: подписание в 1997 г. Конвенции о международной торговле видами дикой фауны и флоры, находящимися под угрозой исчезновения (CITES), в 1998 г. Конвенции по сохранению мигрирующих видов диких животных (Боннская, CMS), в 2001 г. Конвенции о водно-болотных угодьях, имеющих международное значение, главным образом в качестве местообитаний водоплавающих птиц (Рамсарская (WI)). В рамках Боннской Конвенции были подписаны международные соглашения по охране редких и исчезающих видов животных: Меморандум о взаимопонимании относительно мер охраны тонкоклювого кроншнепа *Numenius tenuirostris* (1994) и Меморандум о взаимопонимании относительно мер охраны белого журавля или стерха *Grus leucogeranus* (1998), Соглашение по охране Афро-Евразийских мигрирующих водно-болотных птиц (AEWA) (2003), Меморандум о взаимопонимании по вопросам сохранения и восстановления бухарского оленя *Cervus elaphus bactrianus* (2002), Меморандум о взаимопонимании относительно сохранения, восстановления и устойчивого использования антилопы сайги *Saiga tatarica tatarica* (2006).

В целях активизации процесса экологического оздоровления окружающей среды и сохранения биологического разнообразия, Госкомэкологии Республики Узбекистан и Академия наук в сотрудничестве с другими организациями в 1998 г. подготовили “Национальную Стратегию и План действий по сохранению биологического разнообразия Республики Узбекистан” (НСПДБ). В настоящее время принята новая Стратегия по сохранению биоразнообразия на 2019–2028 года. Ведение Красной книги является составной частью реализации Стратегии и

представляет собой очередной этап действий, направленных на сохранение биологического разнообразия. Помимо важного национального значения, Красная книга в качестве базового государственного документа для охраны животного мира является также выражением обязательств, взятых на себя Узбекистаном при подписании международных конвенций и соглашений, касающихся охраны животных и сред их обитания. С одной стороны, она представляет собой документальное свидетельство процесса исчезновения видов животных, с другой – служит основой для планов действий по их сохранению. Она также призвана привлечь внимание государственных и общественных организаций, научных учреждений, широких слоев населения к проблемам охраны отечественной фауны. Порядок ведения и издания Красной книги регулируется Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан № 1034 от 19 декабря 2018 г.

3. Ведение Красных книг (списков)

Первые специальные книги, посвященные исчезающим животным мира, начали публиковаться с 1945 г. Приоритет же создания и ведения глобальных Красных книг и списков редких и находящихся под угрозой исчезновения видов животных принадлежит Международному союзу охраны природы и природных ресурсов (МСОП – IUCN), созданному в 1948 году. По инициативе этой организации проведена большая работа по составлению списков животных, над которыми нависла угроза исчезновения. Начиная с 1966 года, Комиссия по выживанию видов КВВ/МСОП (SSC/IUCN) в сотрудничестве с другими природоохранными организациями издает отдельные выпуски международной “Красной книги” (Red Book), посвященные различным систематическим группам животных мировой или региональной фауны (Рыбы, Земноводные и Пресмыкающиеся, Птицы, Млекопитающие Америки и Австралии, Беспозвоночные, Бабочки-Парусники и др.). Более полная информация по уязвимым видам или группам животных публикуется, начиная с 1986 года, в специальной серии книг “Планы действий КВВ/МСОП по сохранению биологического разнообразия”. К настоящему времени издано около 40 таких книг (Антилопы, Дикие бараны и козлы, Дикие кошачьи, Выдры, Фазаны, Журавли, Бабочки-парусники, Стрекозы и др.). Подобные же выпуски (1-23) издаются с 1985 г. в серии “Специальные статьи КВВ/МСОП по биологическому сохранению” (Грызуны, Черепахи, Акулы, Моллюски, Бабочки-голубянки и др.). Перечисленные издания являются международными Планами действий по сохранению уязвимых видов.

Большое практическое значение имели опубликованные МСОП в 1963-1996 гг. Красные

списки животных находящихся под угрозой исчезновения (Animals and plants threatened with extinction; IUCN Red List of Threatened Animals), а также Красный список видов, находящихся под угрозой исчезновения (IUCN Red List of Threatened Species), опубликованный в 2003 г. Международный Красный список МСОП представляет собой периодически обновляющийся глобальный каталог видов, подвидов и популяций, распределенных по спискам-категориям их угрозы исчезновения в дикой природе. Анализ процесса обеднения мировой фауны, приведенный в международном Красном списке (2003), показывает, что за последние четыре столетия с лица планеты полностью исчезли 74 вида млекопитающих, 129 видов птиц, 21 вид пресмыкающихся, 7 видов земноводных, 81 вид рыб, 291 вид моллюсков, 8 видов ракообразных, 72 вида насекомых, 3 вида онихофор и 1 вид турбеллярий. Кроме того, 33 вида животных (в основном, рыб и моллюсков) исчезло в дикой природе, и сохранилось только в культуре. Этот губительный процесс с наибольшей силой начал проявляться в конце прошлого века и, к сожалению, всё ещё продолжается. Под угрозой исчезновения находятся 113 видов млекопитающих, 1192 вида птиц, 293 видов пресмыкающихся, 157 видов земноводных, 742 вида рыб, 939 видов моллюсков, 409 видов ракообразных, 10 видов паукообразных, 557 видов насекомых, около 20 других видов беспозвоночных животных.

Выход первых же выпусков международной Красной книги дал мощный толчок для создания национальных и региональных Красных книг и списков. Сейчас такие издания имеют многие государства Европы и Центральной Азии, Турция, США, Бразилия, Южно-Африканская Республика, Япония, Вьетнам, Таиланд, Тайвань, Корея, Австралия, Новая Зеландия и др. Первая Красная книга Узбекистана, в которую вошли 63 вида позвоночных животных, была опубликована в 1983 году. Красная книга – издание перманентное и должна переиздаваться не реже одного раза в пять лет. За это время может измениться статус некоторых видов, часть из них, благодаря специальным мерам охраны, может быть восстановлена в численности, у других же она продолжит сокращаться.

К настоящему времени Институтом Зоологии Академией наук и Узбекским зоологическим обществом накоплен богатый материал, позволяющий оценить современное состояние и статус многих видов животных отечественной фауны. В Красную книгу Республики Узбекистан, изданную в 2009 году, включены 24 вида млекопитающих (с подвидами – 25), 48 видов птиц (с подвидами – 51), 16 видов пресмыкающихся, 17 видов рыб (с подвидами – 18), 3 вида кольчатых червей, 14 видов моллюсков, 60 видов членистоногих. В Красную книгу 2019 года включено: 30 видов млекопитающих (с подвидами

32), 52 вида птиц, 21 вид пресмыкающихся, 17 видов рыб (с подвидами 18), 3 вида кольчатых червей. 14 видов моллюсков, 66 видов членистоногих.

4. Система категорий угрозы исчезновения видов в природе

Национальная система категорий, применяемая в настоящем издании, основана на современной версии 3.1 Категорий и критериев Красного списка МСОП (2001), которая использует количественные критерии и, поэтому, обеспечивает более объективные результаты, чем применявшиеся ранее классификации. В настоящем издании использованы как традиционные для стран СНГ цифровые, так и международные аббревиатурные обозначения категорий, позволяющие включать национальные оценки видов в международные Красные списки.

В основе определения категорий лежит анализ научных данных по основным жизненным параметрам вида (состояние численности, ареала, среды обитания и т.п.). В идеале именно близость таких параметров к критическому уровню выживания вида должна определять риск его исчезновения (рис. 1). Однако далеко не для всех видов такие величины известны или могут быть достаточно просто получены, поэтому определение категорий осуществляется через формализованную систему критериев. Положение категорий Красной книги в общей системе оценки видов показано на рис.1, а их структура – на рис.2.

Национальная система оценки видов (подвидов) по угрозе их исчезновения в дикой природе включает следующие категории.

Исчезнувшие (0) виды могут быть определены как “Исчезнувшие в стране” – “Regionally Extinct” (EX) или “Исчезнувшие в дикой природе страны” – “Regionally Extinct in the Wild” (EW). Вид считается исчезнувшим в стране, когда его последняя особь погибла или исчезла по каким-либо другим обстоятельствам. Часть таких видов могут быть также исчезнувшими в мире – “Globally Extinct” (EX). Вид считается исчезнувшим в дикой природе страны, если он сохранился только в культуре, в условиях неволи, или в качестве натурализованной популяции вне прежнего ареала. Часть таких видов могут быть также исчезнувшими в дикой природе мира 4. Система категорий угрозы исчезновения видов в природе. “Globally Extinct in the Wild” (EW).

Виды, Находящиеся в опасном состоянии (1), могут быть оценены как “Находящиеся на грани полного исчезновения” – “Critically Endangered” – (CR) или “Исчезающие” – “Endangered” – (EN). Вид считается находящимся на грани полного исчезновения, когда его жизненные параметры уже достигли критического уровня (или могут достичь их в ближайшем будущем с наибольшей вероятностью) и поэтому он стоит перед чрезвычайно высоким риском исчезновения в дикой природе. Вид считается исчезающим, когда его жизненные параметры близки к критическому уровню (или могут стать близкими

к ним в обозримом будущем с большой степенью вероятности) и поэтому он стоит перед высоким риском исчезновения в дикой природе (прилож. 3).

Вид считается Уязвимым (2), когда его жизненные параметры не очень далеки от критического уровня (или могут стать не очень далекими от них в неопределённом будущем со средней степенью вероятности) и поэтому он стоит перед средним риском исчезновения в дикой природе (прилож. 3). Уязвимые виды могут быть оценены, как “Сокращающиеся” – “Vulnerable: Declining” – (VU:D=VU, исключая критерий D MСОП), если их жизненные параметры резко сокращаются или подвержены сильным колебаниям, а также как “Естественно редкие” – “Vulnerable: Naturally rare” – (VU:R=VU, критерий D, E MСОП), если их жизненные параметры ограничены.

Состояние потенциальной угрозы исчезновения видов определяется категорией “Находящиеся в состоянии близком к угрожаемому” (3) – “Near Threatened” – (NT) Вид считается находящимся в состоянии, близком к угрожаемому, когда его жизненные параметры сравнительно далеки от критического для выживания вида уровня, но могут достичь его в неопределённом будущем с некоторой вероятностью и поэтому он стоит перед потенциальным риском исчезновения в дикой природе. Виды этой категории близки к “Уязвимым” и их практический охранный статус приравнивается к ним. К этой категории, в частности, относятся виды, ранее находившиеся под угрозой исчезновения, но восстановившие свой ареал и численность до стабильного состояния, а также виды, уже включённые в сферу природоохранных действий и состояние которых зависит от охраны.

Категория “Недостаток данных” (4) – “Data Deficient” – (DD) включает виды, неопределённые по статусу и не является категорией угрозы исчезновения. Включение вида в эту категорию показывает, что требуется больше информации и признается, что будущие исследования могут сделать возможным его отнесение к одной из категорий угрозы исчезновения. Вид считается неопределённым по статусу, когда имеющаяся информация по его жизненным параметрам неадекватна для прямой или косвенной оценки риска исчезновения.

При категоризации видов придерживались следующих общих правил:

- на национальном (региональном) уровне оценке по шкале критериев подлежат виды;
Яшаш жойлари. Қирғоқ бўйи сувларининг шўрланиши камайган жойлар. Сув тубида ва сув ўтларининг орасида яшайди.

Сони. Локал популяцияларда ҳар квадрат метрда 200 донагача учрайди. Кескин қисқариб бормоқда.

Яшаш тарзи. Кам ўрганилган. Личинкаси сув қатламида фаол сузиб юради. Органик чириндилар ва микросув ўтлар билан озиқланади. Овланадиган балиқлар учун муҳим озуқа унсурларидан саналади.

Чекловчи омиллар. Орол денгизи сатҳининг пасайиши ва сувининг шўрланиши.

Кўпайтириш. Сунъий шароитларда кўпайтирилмаган.

Муҳофаза чоралари. Яшаш тарзини ва ареалини мукамал ўрганиш, шўрхок сувли кўлларга кўчириш, сув ҳавзаларининг гидрорежимини бир маромда сақлаш, яшаш жойларида муҳофазасини ташкил қилиш.

Манбалар. [5].

И.М. Мирабдуллаев.



Статус. 2 (VU:D): Уязвимый, сокращающийся мозаично распространённый аральский эндемичный вид.

Распространение: Аральское море. Вне Узбекистана: Казахстан.

Места обитания. Распреснённые прибрежные участки. Обитает на дне и в зарослях водорослей.



Численность. До 200 особей на кв. м. в локальных популяциях; неуклонно сокращается.

Образ жизни. Недостаточно изучен. Личинка активно плавает в толще воды. Питается мелкими разлагающимися остатками организмов, микроводорослями. Ценный компонент корма промысловых рыб.

Лимитирующие факторы. Снижение уровня и повышение солёности Аральского моря.

Разведение. В искусственных условиях не разводился.

Меры охраны. Необходимы подробное изучение образа жизни, расселение в солоноватоводные озера, поддержание стабильного гидрорежима водоёмов, организация охраны в местах обитания вида.

Источники. [5].

И.М. Мирабдуллаев.

Vulnerable, declining 2(VU:D), mosaic distributed Aral endemic species. It is reported from the Aral Sea, in the littoral zone with fresh or brackish water. It inhabits the bottom and algae. The number reaches 200 individuals per 1 sq. m; constantly declining. Limiting factors: the shrinking of the Aral Sea area and its growing salinity.

21. БИРШТЕЙН ЭНГИДРОСОМАСИ

Энгидросома Бирштейна

Birstein's Copepod

Enhydrosoma birsteini

Borutzky, 1971



Мақоми. 1 (EN): Йўқ бўлиб кетаётган локал Орол эндемик тури.

Тарқалиши. Орол денгизи. Ўзбекистондан ташқарида: Қозоғистон.

Яшаш жойлари. Денгизнинг қирғоқ бўйи ва чуқур жойлари. Сув тубида ва сув ўтларининг орасида яшайди.

Сони. Кам топилмалар орқали маълум.

Яшаш тарзи. Кам ўрганилган. Личинкаси сув қатламида фаол сузиб юради. Органик чириндилар ва микросув ўтлари билан озиқланади. Овланадиган балиқлар учун муҳим озуқа унсурларидан саналади.

Чекловчи омиллар. Орол денгизи сатҳининг пасайиши ва сувининг шўрланиши.

Кўпайтириш. Сунъий шароитда кўпайтирилмаган.

Муҳофаза чоралари. Яшаш тарзи ва ареалини мукамал ўрганиш, шўрхок сувли кўлларга кўчириш, сув ҳавзалари гидрорежимини бир маромда сақлаш, яшаш жойларида муҳофазасини ташкил қилиш.

Манбалар. [5, 62].

И.М. Мирабдуллаев.



Статус. 1 (EN): Исчезающий локальный аральский эндемик.

Распространение. Аральское море. Вне Узбекистана: Казахстан.

Места обитания. Прибрежные и глубинные участки. Обитает на дне в зарослях водорослей.

Численность. Известен по малочисленным находкам.

Образ жизни. Недостаточно изучен. Личинка активно плавает в толще воды. Питается мелкими разлагающимися остатками организмов, микроводорослями. Ценный компонент корма промысловых рыб.

Лимитирующие факторы. Снижение уровня и повышение солёности Аральского моря.

Разведение. В искусственных условиях не разводился.

Меры охраны. Необходимы подробное изучение образа жизни, расселение в солонатоводные озера, поддержание стабильного гидрорежима водоёмов, организация охраны в местах обитания вида.

Источники. [5, 62].

И. М. Мирабдуллаев.

Endangered 1(EN): local Aral endemic species. It is reported from the Aral Sea, in littoral and deep waters. It inhabits the sea bottom and seaweeds. It is rare and small number specimens are reported. Limiting factors: the shrinking of the Aral Sea area and its growing salinity.

22. ОРОЛ ЛИМНОСИТЕРАСИ

Лимноцитере аральский

Aral Ostracod

Limnocythere aralensis

Schornikov, 1973

Мақоми. 1 (EN): Йўқ бўлиб кетаётган локал Орол эндемик тури.

Тарқалиши. Орол денгизи. Ўзбекистондан ташқарида: Қозоғистон.

Яшаш жойлари. Қирғоқлардаги шўрлашган сувлар тубида яшайди.

Сони. Кам топилмалар орқали маълум.

Яшаш тарзи. Кам ўрганилган. Ўлган организмларнинг чириндилари ва микро сув ўтлари билан озиқланади. Овланадиган балиқларнинг аҳамиятли озуқа манбаларидан саналади.

Чекловчи омиллар. Орол денгизи сатҳининг пасайиши ва сувининг шўрланиши.

Кўпайтириш. Сунъий шароитда кўпайтирилмаган.

Муҳофаза чоралари. Яшаш тарзини ва ареалини мукамалроқ ўрганиш, шўрхок сувли кўлларга кўчириш, сув ҳавзаларининг гидрорежимини бир маромда сақлаш, яшаш жойларида муҳофазасини ташкиллаштириш.

Манбалар. [62, 63, 92].

И.М. Мирабдуллаев.



Статус. 1 (EN): Исчезающий, локальный аральский эндемик.

Распространение. Аральское море. Вне Узбекистана: Казахстан.

Места обитания. Обитает на дне пресных прибрежных участков.

Численность. Известен по малочисленным находкам.

Образ жизни. Недостаточно изучен. Питается мелкими разлагающимися остатками организмов, микроводорослями. Ценный компонент корма промысловых рыб.

Лимитирующие факторы. Снижение уровня и повышение солёности Аральского моря.

Разведение. В искусственных условиях не разводился.

Меры охраны. Необходимы подробное изучение образа жизни, расселение в солонатоводные озера, поддержание стабильного гидрорежима водоёмов, организация охраны в местах обитания вида.

Источники. [62, 63, 92].

И.М. Мирабдуллаев.

Endangered 1 (EN): local Aral endemic species. It is reported from the Aral Sea, in the littoral zone with fresh or brackishwater water, living in the bottom. It is rare and small number finds are known. Limiting factors: the shrinking of the Aral Sea area and its growing salinity.

23. ОРОЛ ЁНСУЗАРИ

Бокоплав аральский

Aral Amphipod

Dikerogammarus aralensis

(Uljanin, 1875)



Мақоми. 2 (VU:D): Заиф, қисқариб бораётган, мозаик тарқалган Орол-Каспий эндемик тури.

Тарқалиши. Орол денгизи. Ўзбекистондан ташқарида: Қозоғистон, Каспий денгизи.

Яшаш жойлари. Қирғоқдаги шўрлашган сувлар. Сув тубида яшайди. Қумлоқ жойларни ва харовик сув ўтлари орасини афзал кўради.

Сони. Илгари кўп учрар эди, кейинги ўн йиллар ичида кескин камайиб кетди.

Яшаш тарзи. Кам ўрганилган. Ҳарорат шароитига қараб йилига 2–5 марта насл беради. Овланадиган балиқларнинг муҳим аҳамиятли озуқа манбаларидан саналади.

Чекловчи омиллар. Орол денгизи сатҳининг пасайиши ва сувининг шўрланиши.

Кўпайтириш. Сунъий шароитда кўпайтирилмаган.

Муҳофаза чоралари. Яшаш тарзи ва ареалини мукамал ўрганиш, шўрхоқ сувли кўлларга кўчириш, сув ҳавзаларининг гидрорежимини бир маромда сақлаш, яшаш жойларида муҳофазасини ташкил қилиш.

Манбалар. [62, 83]

И.М. Мирабдуллаев.



Статус. 2(VU:D): Уязвимый, сокращающийся, мозаично распространённый арало-каспийский эндемичный вид.

Распространение. Аральское море. Вне Узбекистана: Казахстан, Каспийское море.

Места обитания. Распреснённые прибрежные участки. Обитает на дне, предпочитая песчаные грунты и заросли харовых водорослей.

Численность. Ранее был обычен, за последние десятилетия резко сократилась.

Образ жизни. Недостаточно изучен. В зависимости от температурных условий года может давать от 2 до 5 поколений. Ценный компонент корма промысловых рыб.

Лимитирующие факторы. Снижение уровня и повышение солёности Аральского моря.

Разведение. В искусственных условиях не разводится.

Меры охраны. Необходимы подробное изучение образа жизни, расселение в солоноватоводные озера, поддержание стабильного гидрорежима водоёмов, организация охраны в местах обитания вида.

Источники. [62, 83].

И.М. Мирабдуллаев.

Vulnerable, declining 2(VU:D), mosaic distributed Aral-Caspian endemic species. It is reported from the Aral Sea in Uzbekistan and from the Caspian Sea in the western Kazakhstan. It inhabits brackish-water and the freshwater littoral zones. It prefers the sandy bottom and seaweeds. In the past, it was common; however, the number sharply declined in the last decades. Limiting factors: the shrinking of the Aral Sea area and its growing salinity.

24. ТУРКИСТОН ҚИСҚИЧБАҚАСИ

Рак туркестанский
Kessler Crayfish
Pontastacus kessleri
(Schminkewitsch, 1884)

Мақоми. 2 (VU:D): Заиф, қисқариб бораётган, мозаик тарқалган Турон эндемик тури.

Тарқалиши. Сирдарё ҳавзаси. Ўзбекистондан ташқарида: Қозоғистон.

Яшаш жойлари. Пасттекисликдаги кичик дарё ва каналлар (ўтмишда ўзан кўлларида ҳам бўлган.). Сув остидаги камарлар ва турли пана жойларда, кўпинча сув ҳавзасининг тик қирғоқлари остида яшайди.

Сони. Илгари кўп учрар эди, кейинги ўн йиллар ичида кескин камайиб кетган.

Яшаш тарзи. Бир неча йил яшайди. Кузда урчийди. Урғочиси уруғлантирилган увулдириғини июнгача кўтариб юради. Серпуштлиги – 200-300 увулдириқ.


Чекловчи омиллар. Сув ҳавзаларининг саноат ва қишлоқ хўжалиги таъсирида ифлосланиши, Сирдарё оқимининг сунъий тартибланиши натижасида қайир кўллариининг йўқ бўлиб кетиши.

Кўпайтириш. Сунъий шароитда кўпайтирилмаган.

Муҳофаза чоралари. Яшаш жойларида муҳофазасини ташкил қилиш, сув ҳавзаларини ифлосланишдан сақлаш, бошқа сув ҳавзаларига кўчириш.

Манбалар. [62, 127].

А.В-А. Крейцберг.



Статус. 2(VU:D): Уязвимый, сокращающийся, мозаично распространённый туранский эндемичный вид.

Распространение. Бассейн р. Сырдарья. Вне Узбекистана: Казахстан.

Места обитания. Небольшие равнинные реки, каналы (в прошлом, и пойменные озера). Обитает в подводных норах и других укрытиях, чаще у обрывистых берегов водоёмов.

Численность. Ранее был обычен, за последние десятилетия резко сократилась.

Образ жизни. Живёт несколько лет. Размножается осенью. Самки вынашивают оплодотворенную икру до июня. Плодовитость – 200-300 икринок.

Лимитирующие факторы. Промышленное и сельскохозяйственное загрязнение водоёмов, исчезновение пойменных озёр вследствие зарегулирования стока р. Сырдарья.

Разведение. В искусственных условиях не разводился.

Меры охраны. Необходимы организация охраны в местах обитания вида, охрана водоёмов от загрязнения, расселение в другие водоёмы.

Источники. [62, 127].

А.В-А. Крейцберг.



Vulnerable, declining 2(VU:D), mosaic distributed turanian endemic species. It is spread at small flatland rivers and canals; in the past, flooded lakes near the River Syrdarya in Uzbekistan. It inhabits underwater holes and other shelters near precipitous banks. It was common in the past, the number sharply declined in the last decades. Limiting factors: industrial and agricultural pollution of reservoirs, disappearance of flooded lakes as a result of the change in the Syrdarya River flow.

25. КИРИЧЕНКО НИНАЧИСИ

Летодедка Кириченко
 Kirichenko's Club-tailed Dragonfly
Anormogomphus kiritshenkoi
 Bartenev, 1913



Мақоми. 2(VU:R): Заиф, табиатан камёб, локал тарқалган Эрон-Турон тури.

Тарқалиши. Сурхондарёнинг қуйи оқими (Термиз ш. яқинида). Ўзбекистондан ташқарида: Туркменистон, Афғонистон, Эрон, Ироқ, Туркия.

Яшаш жойлари. Тез оқар текислик ва тоғ (д.с.б. 500-1000 м) дарёларининг воҳалари.

Сони. Ҳамма жойда кам. Ўзбекистонда айрим топилмалар орқали маълум.

Яшаш тарзи. Урчиши ва тухум қўйиши (сувга) – июнь-июлда. Личинкалари ва ўзининг дастлабки даврдаги ривожланиши тахминан 2 йил оқар сувларда ўтади. Майда бўғимоёқлилар билан озиқланади.

Чекловчи омиллар. Сув иншоотлари қурилиши ва мелиорация таъсирида дарёлар табиий оқимининг ўзгариши, далаларда шўр ювиш ва суғориш туфайли дарёларнинг ташлама сувлар билан ифлосланиши.

Кўпайтириш. Кўпайтирилмаган.

Муҳофаза чоралари. Яшаш жойларида муҳофазасини ташкил қилиш, сув ҳавзаларини ифлосланишдан сақлаш.

Манбалар. [4, 37, 127, 142].

А.В-А. Крейцберг.

Статус. 2(VU:R): Уязвимый, естественно редкий, локально распространенный ирано-туранский вид.

Распространение. Низовья р. Сурхандарья (у г. Термез). Вне Узбекистана: Туркменистан, Афганистан, Иран, Ирак, Турция.

Места обитания. Долины равнинных и горных (500-1000 м н.у.м.) рек с быстрым течением.

Численность. Повсеместно низка. В Узбекистане известен по малочисленным находкам.

Образ жизни. Лёт и откладка яиц (в воду) в июне-июле. Развитие личинок и младших стадий в проточной воде около 2 лет. Питается мелкими членистоногими.

Лимитирующие факторы. Нарушение естественного стока рек при гидростроительстве, мелиоративных работах, загрязнение рек сбросными водами при промывке и орошении земель.

Разведение. Не проводилось.

Меры охраны. Необходимы организация охраны в местах обитания вида, охрана водоемов от загрязнения.

Источники. [4, 37, 127, 142].

А.В-А. Крейцберг.



Vulnerable, naturally rare 2(VU:R), locally distributed iran-turanian species. It is found in the lower reaches of the Syrdarya River near the town of Termez in Uzbekistan. It is reported from the valleys of flatland and mountain rivers with swift flow in low altitudes. The number is very low everywhere; few specimens are known in Uzbekistan. Limiting factors: destruction of natural regime of river flows as a result of hydro-building and land-reclamation measures, pollution of rivers with agricultural wastes.

26. ЧЎЛ ТЕМИРЧАГИ

Дыбка степная

Predatory Bush Cricket

Sago pedo (Pallas, 1771)

Мақоми. 1(EN): Йўқ бўлиб кетаётган, мозаик тарқалган Жануби-ғарбий полиарктика тури. ТМХИ Қизил рўйхатига киририлган [VU].

Тарқалиши. Жиндидарё воҳаси (Зарафшон т.). Ўзбекистондан ташқарида: Жанубий Европа, Кавказ, Россия (Олтой), Қозоғистон, Қирғизистон.

Яшаш жойлари. Ўзбекистонда: турли туман ўт ва бутазорли кам намли тоғ (д.с.б. 800-1500 м) чўллари.

Сони. Ҳамма жойда кам. Ўзбекистонда кам топилмалар орқали маълум.

Яшаш тарзи. Йилда бир марта насл беради. Кўпайиши бир жинсли; эркаги ниҳоятда кам учрайди. Ўсиш даврида 8 марта пўст ташлайди. Ёзда тупроққа тухум кўяди. Йиртқич тўғриқанотлилар (*Orthoptera*) ва бешиктерватарлар (*Mantoptera*) билан озиқланади, тухумлари қишлайди.


Чекловчи омиллар. Тоғ этакларидаги худудларнинг ўзлаштирилиши, хусусан, пичан тайёрлаш ва чорвачиликда яйловдан ҳаддан ташқари кенг фойдаланиш.

Кўпайтириш. Кўпайтирилмаган.

Муҳофаза чоралари. Китоб кўриқхонасида муҳофаза остига олинган; буталар кесишни тақиқлаш, меъеридан ортиқ пичан тайёрлаш ва чорвачиликда яйловдан кўп фойдаланишни чеклаш.

Манбалар. [31, 36, 37, 122, 127].

А.В-А. Крейцберг.



Статус. 1(EN): Исчезающий мозаично-распространенный юго-западный полиарктический вид. Внесен в Красный список МСОП [VU].

Распространение. Долина р. Джиндидарья (Зеравшанский хр.). Вне Узбекистана: Южная Европа, Кавказ, Россия (Алтай), Казахстан, Кыргызстан.

Места обитания. В Узбекистане: горные (800-1500 м н.у.м.) сухие разнотравные степи с кустарниковой растительностью.

Численность. Повсеместно низка. В Узбекистане известен по малочисленным находкам.

Образ жизни. Одно поколение в году. Размножение однополое; самцы крайне редки. В процессе развития линяет 8 раз. Яйца откладывают в почву летом. Хищник, питается прямокрылыми (*Orthoptera*) и богомолами (*Mantoptera*), зимуют в фазе яйца.

Лимитирующие факторы. Хозяйственное освоение земель предгорной зоны, в частности, чрезмерный сенокос, перевыпас скота.

Разведение. Не проводилось.

Меры охраны. Охраняется в Китабском заповеднике; необходимы запрет вырубок кустарниковой растительности, ограничение сенокоса и выпаса.

Источники. [31, 36, 37, 122, 127].

А.В-А. Крейцберг.

Endangered 1(EN), locally distributed south-west Palearctic species. It was recorded in the valley of the Jindidarya River in the Zaravshan Ridge of Uzbekistan. It is reported from mountain drysteppe with low shrubs and rich cover of grasses on the middle altitudes. Few finds are known from Uzbekistan. Limiting factors: the development of lands in foothills, overgrazing, and excessive hay-mowing. Included in the IUCN Red List [VU].

27. АЖРИҚХЎР

КАРМИН БЕРУВЧИ ҚУРТ

Карминоносный червец
пальчатниковый

Bermuda Grass Carmine Scale

Porphyrophora cynodontis

(Archangelskaja, 1935)



Мақоми. 2(VU:D): Заиф, қисқариб бораётган, мозаик тарқалган Жанубий Турон эндемик тури.

Тарқалиши. Самарқанд вилояти, Фарғона водийси. Ўзбекистондан ташқарида: Тожикистон.

Яшаш жойлари. Яримчўл минтақалари, тоғ этаклари ва дарё воҳаларининг қум-тупроқли, тупроқли ва шўр қоплаган қисмлари.

Сони. Олдинлари кўп учрар эди, кейинги ўн йиллар ичида кескин камайиб кетган. Бир неча ўнлаб ҳашаротлардан иборат тўдаларни ҳосил қилиб яшайди.

Яшаш тарзи. Ажриқ (*Cynodon dactylon*) ва шўр ажриқ (*Aeluropis littoralis*)нинг ер ости қисмларида, камдан-кам ҳолларда новдаларида яшайди. Йилига бир марта насл беради. Июнь-июлнинг бошларида мумсимон қаттиқ қобик ҳосил қилади. Эркакларининг учиши, урғочиларининг цистадан чиқиши, жуфтлашиши ва тухум (50-300 дона) қўйиши – август-сентябрда. Биринчи ёшдаги личинкалари қишлайди. Уруғланмаган урғочилари узоқ муддатли диапаузага тушиши мумкин. Кармин (қирмизи ранг бўёк) берувчи муҳим манба.

Чекловчи омиллар. Яримчўл ва тоғ этакларидаги бўз ерларнинг хўжалик мақсадларида ўзлаштирилиши, хусусан, ҳайдаш ва чорвачиликда яйловдан ҳаддан ташқари кўп фойдаланиш.

Кўпайтириш. Имкони мавжуд.

Муҳофаза чоралари. Яшаш жойларида муҳофазасини ташкиллаштириш.

Манбалар. [1, 2, 37, 38].

А.В-А. Крейцберг.



Статус. 2(VU:D): Уязвимый, сокращающийся, мозаично распространенный южнотуранический эндемичный вид.

Распространение. Самаркандская обл., Ферганская долина. Вне Узбекистана: Таджикистан.

Места обитания. Песчано-глинистые, глинистые и солончаковые участки полупустынь, предгорий, речных долин.

Численность. Ранее был обычен, за последние десятилетия резко сократилась. Образует колонии до нескольких десятков особей.

Образ жизни. Живёт на подземных побегах, реже, на стеблях пальчатника (*Cynodon dactylon*) и прибрежницы солончаковой (*Aeluropis littoralis*). Одно поколение в году. Твердый восковой покров образует в июне – начале июля; лёт самцов, выход самок из цист, спаривание и яйцекладка (50–300 яиц на 1 самку) в августе-сентябре. Зимуют личинки первого возраста. Возможна длительная диапауза неоплодотворенных самок. Ценный источник кармина.

Лимитирующие факторы. Хозяйственное освоение целинных земель полупустынной и предгорной зон, в частности, распашка, перевыпас.

Разведение. Возможно.

Меры охраны. Необходима организация охраны в местах обитания вида.

Источники. [1, 2, 37, 38].

А.В-А. Крейцберг.

Vulnerable, declining 2(VU:D), mosaic distributed south turanian endemic species. It is found in the Samarkand region and the Ferghana Valley of Uzbekistan. It inhabits sand-clay, clay and salted lands of semi-desert, foothills and river valleys, living in colonies of several dozen individuals. In the past, it was common; the number sharply declined in the last decades due to development of virgin lands in semi-desert and premountain zones.

28. АЧЧИҚМИЯХЎР
КАРМИН БЕРУВЧИ ҚУРТ
 Карминоносный червец
 софоровый
Sophora Grass Carmine Scale
Porphyrophora sophorae
 (Archangelskaja, 1935)

Мақоми. 2 (VU:D): Заиф, қисқариб бораётган, мозаик тарқалган Турон эндемик тури.

Тарқалиши. Самарқанд вилояти, Фарғона водийси. Ўзбекистондан ташқарида: Тожикистон, Қозоғистон.

Яшаш жойлари. Яримчўл минтақаси, тоғ этаклари, дарё водийларидаги қумоқ тупроқли ва қаттиқ шўрланган ерлар.

Сони. Илгари кўп учраган, кейинги ўн йиллар давомида кескин камайиб кетган. Бир неча ўнлаб ҳашаротлардан ташкил топган тўдаларда яшайди.

Яшаш тарзи. Аччиқмия (*Sophora [Vexibia] alopecuroides*) ва қизилмия (*Glycyrrhiza sp.*) томирларида яшайди. Йилига бир марта насл беради. Июнь-июлда мумсимон қаттиқ қобиқ ҳосил қилади. Эркаларининг учиши ва урғочиларининг цистадан чиқиши, жуфтлашиши ва тухум қўйиши (50–300 дона) – август-сентябрда. Биринчи ёшдаги личинкалари қишлайди. Уруғланмаган урғочилари узок муддатли диапаузага тушиши мумкин. Кармин (қирмизи ранг бўёқ) берувчи муҳим манба.

Чекловчи омиллар. Яримчўл ва тоғ этакларидаги бўз ерларнинг хўжалик мақсадларида ўзлаштирилиши, хусусан, ҳайдаш ва чорвачиликда яйловдан ҳаддан ташқари фойдаланиш.

Кўпайтириш. Имкони мавжуд.

Муҳофаза чоралари. Яшаш жойларида муҳофазасини ташкил қилиш зарур.

Манбалар. [1, 2, 36-38, 64, 122].

А.В-А. Крейцберг.



Статус. 2(VU:D): Уязвимый, сокращающийся мозаично распространенный туранский эндемичный вид.

Распространение. Самаркандская обл., Ферганская долина. Вне Узбекистана: Таджикистан, Казахстан.

Места обитания. Песчано-глинистые, и солончаковые участки полупустынной зоны, предгорий, речных долин.

Численность. Ранее был обычен, за последние десятилетия резко сократилась. Образуется колонии до нескольких десятков особей.

Образ жизни. Живёт на корнях софоры лисохвостовидной (*Sophora [Vexibia] alopecuroides*) и солодки (*Glycyrrhiza sp.*). Одно поколение в году. Твердый восковой покров образует в июне-июле. Лёт самцов, выход самок из цист, спаривание и яйцекладка (50-300 яиц от самки) – в августе-сентябре. Зимуют личинки 1 возраста. Возможна длительная диапауза неоплодотворенных самок. Ценный источник кармина.

Лимитирующие факторы. Хозяйственное освоение целинных земель полупустынной и предгорной зон, в частности, распашка, пере-выпас.

Разведение. Возможно.

Меры охраны. Необходима организация охраны в местах обитания вида.

Источники. [1, 2, 36-38, 64, 122].

А.В-А. Крейцберг.

Vulnerable, declining 2(VU:D), mosaic distributed turanian endemic species. It is reported from Samarkand region and the Fergana Valley of Uzbekistan. It inhabits sand-clay, clay and salted lands of semideserts, piedmonts and river valleys, living in colonies from several dozen of individuals on the roots of Sophora [Vexibia] alopecuroides and Glycyrrhiza sp. In the past it was common; in the last decades, the number has decreased significantly. Limiting factors: development of virgin lands in semi-desert and pre-mountain zones.

29. ФЕДЧЕНКО ЙИРТҚИЧЧАСИ

Хищнец Федченко
Fedchenko's Assassin Bug
Reduvius fedtschenkianus
Oshanin, 1871

Мақоми. 2(VU:R): Заиф, табиатан камёб, локал тарқалган Жанубий Турон эндемик тури.

Тарқалиши. Бухоро, Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё вил. ва Фарғона водийсининг чўлларида яшайди. Ўзбекистондан ташқарида: Тожикистон, Туркменистон.

Яшаш жойлари. Чўлларнинг мустақамлашган қум-тупроқли массивлари. Кемирувчилар ва тошбақаларнинг уяларида яшайди.

Сони. Ҳамма жойда кам. Ўзбекистонда кам топилмалар орқали маълум.

Яшаш тарзи. Ривожланиш даври икки йил. Вояга етган ҳашаротлар апрель-май ойларида оқшом пайти ҳаракатчан бўлади ва майда бўғимоёқлилар билан озиқланади. Личинкалари ва вояга етмаганлари майда чанг ёки қум ичига буркалиб олади.


Чекловчи омиллар. Яримчўл ва тоғ этакларидаги бўз ерларнинг хўжалик мақсадларида ўзлаштирилиши, хусусан, ҳайдаш ва яйловдан чорвачиликда ҳаддан ташқари кўп фойдаланиш.

Кўпайтириш. Кўпайтирилмаган.

Муҳофаза чоралари. Яшаш жойларида муҳофазасини ташкил қилиш лозим.

Манбалар. [6, 38, 69, 125].

Д.Б. Даминова.



Статус. 2(VU:R): Уязвимый, естественно редкий, локально распространенный южнотуранский эндемичный вид.

Распространение. Пустынные районы Бухарской, Самаркандской, Джизакской и Кашкадарьинской обл., Ферганской долины. Вне Узбекистана: Таджикистан, Туркменистан.

Места обитания. Закрепленные глинисто-песчаные массивы пустынь. Заселяет норы грызунов и черепах.

Численность. Повсеместно низка. В Узбекистане известен по малочисленным находкам.

Образ жизни. Цикл развития два года. Взрослые особи активны в сумеречно-ночное время и в апреле-мае питаются мелкими членистоногими. Личинки и младшие стадии зарываются в лесовую пыль или песок, оставляя на поверхности только сяжки.

Лимитирующие факторы. Хозяйственное освоение целинных земель полупустынной зоны, в частности, распашка, перевыпас.

Разведение. Не проводилось.

Меры охраны. Необходима организация охраны в местах обитания вида.

Источники. [6, 38, 69, 125].

Д.Б. Даминова.

Vulnerable, naturally rare 2(VU:R), locally distributed south turanian endemic species. It is reported from the desert lands of Bukhara, Samarkand, Djizak and Kashkadarya regions, the Ferghana Valley of Uzbekistan. It inhabits holes of rodents and turtles in fixed-sand clay deserts. The number is very low everywhere; few specimens are reported. Limiting factors: development of virgin lands in semidesert regions.



30. БОГДАНОВ ЙИРТҚИЧЧАСИ

Хищнец Богданова
Bogdanov's Assassin Bug
Stenolemus bogdanovi
Oshanin, 1896

Мақоми. 2 (VU:R): Заиф, табиатан камёб, локал тарқалган Жанубий Турон эндемик тури.

Тарқалиши. Тошкент, Самарқанд, Сирдарё, Жиззах, Фарғона вил. Ўзбекистондан ташқарида: Тожикистон.

Яшаш жойлари. Ўзининг бирламчи яшаш жойлари – Ўзбекистоннинг текислик ва тоғлардаги қайир тўқайзорларида учрамай қўйган, ҳозирда қишлоқ жойлардаги одам яшамайдиган хўжалик иморатларида учраб туради.

Сони. Кам топилмалар орқали маълум.

Яшаш тарзи. Кам ўрганилган. Йиртқич, майда бўғимоёқлилар билан озиқланади. Вояга етганлари қишлайди, баҳор ва ёзда ҳаракатчан бўлади. Тожикистонда личинкаси жийда (*Eleagnus angustifolia*) танасида топилган.

Чекловчи омиллар. Хўжалик фаолияти сабабли тоғолди худудларида ўтлоқли қайир тўқайзорларининг камайиб кетиши.

Кўпайтириш. Кўпайтирилмаган.

Муҳофаза чоралари. Яшаш жойлари, сони, ҳаёт тарзини мукамал ўрганиш, ўтлоқли қайирларни муҳофаза қилиш лозим.

Манбалар. [31, 34, 35, 38, 69, 127].

Д.Б. Даминова.



Статус. 2(VU:R): Уязвимый, естественно редкий, локально распространенный южнотуранский эндемичный вид.

Распространение. Ташкентская, Самаркандская, Сырдарьинская, Джизакская, Ферганская обл. Вне Узбекистана: Таджикистан.

Места обитания. В первичных местах обитания – равнинных и горных пойменных тугайных лесах в Узбекистане – не обнаружен, обитает в нежилых хозяйственных постройках небольших поселений.

Численность. Известен по малочисленным находкам.

Образ жизни. Недостаточно изучен. Хищник, питается мелкими членистоногими. Зимуют взрослые особи, активны весной и летом. Личинки были найдены у ствола лоха узколистного (*Eleagnus angustifolia*) в Таджикистане.

Лимитирующие факторы. Сокращение площади предгорных пойменных лесов вследствие хозяйственной деятельности.

Разведение. Не проводилось.

Меры охраны. Необходимы подробное изучение ареала, численности, образа жизни, сохранение пойменных лесов.

Источники. [31, 34, 35, 38, 69, 127]

Д.Б. Даминова.

Vulnerable, naturally rare 2(VU:R), locally distributed south turanian endemic species. It is distributed in the Tashkent, Samarkand, Syrdarya, Djizak and Ferghana regions of Uzbekistan. It is reported from the secondary habitats: abandoned human dwellings in small villages situated in foothills. Few specimens are known. Limiting factors: decline of primary habitats: pre-mountain gallery forests in river valleys as a result of agricultural development.

31. ЛЕМАН ҚАНДАЛАСИ

Краевик Лемана
Lemann's Bug
Cercinthus lehmanni
Kolenati, 1891

Мақоми. 2(VU:R): Заиф, табиатан камёб, локал тарқалган Эрон-Турон эндемик тури.

Тарқалиши. Хоразм, Фарғона, Жиззах вил., Қорақалпоғистон. Ўзбекистондан ташқарида: Туркманистон, Қозоғистон, Суррия, Эрон, Миср.

Яшаш жойлари. Чўлларнинг барқарорлашган қумли массивлари.

Сони. Ҳамма жойда кам. Ўзбекистонда кам топилмалар орқали маълум.

Яшаш тарзи. Кам ўрганилган. Қумда ўсувчи ўсимликларнинг, кўпроқ селеу (*Aristida pennata*) илдиэлари атрофида яшайди. Вояга етганлари май-июнда оқшом ва тунлари ҳаракатчан бўлади, баъзан чироқ ёруғига учиб келади.

Чекловчи омиллар. Чўл қўриқларининг хўжалик мақсадида ўзлаштирилиши, хусусан шудгорлаш ва чорвачилиқда яйловдан ҳаддан ташқари кўп фойдаланиш.

Кўпайтириш. Кўпайтирилмаган.

Муҳофаза чоралари. Яшаш жойлари, сони ва ҳаёт тарзини мукамал ўрганиш, яшаш жойларида муҳофазасини ташкил қилиш лозим.

Манбалар. [3, 69, 127].

А.В-А. Крейцберг.



Статус. 2(VU:R): Уязвимый, естественно редкий локально распространенный ирано-туранский эндемичный вид.

Распространение. Хорезмская, Ферганская, Джизакская обл, Каракалпакстан. Вне Узбекистана: Туркменистан, Казахстан, Сирия, Иран, Египет.

Места обитания. Закрепленные песчаные массивы пустынь.

Численность. Повсеместно низка. В Узбекистане известен по малочисленным находкам.

Образ жизни. Недостаточно изучен. Обитает у корней песколюбивых растений, чаще – селина перистая (*Aristida pennata*). Взрослые активны в сумеречно-ночное время в мае-июне, изредка летят на свет.

Лимитирующие факторы. Хозяйственное освоение целинных земель пустынной зоны, в частности, распашка, перевыпас.

Разведение. Не проводилось.

Меры охраны. Необходимы подробное изучение ареала, численности, образа жизни; организация охраны в местах обитания вида.

Источники. [3, 69, 127].

А.В-А. Крейцберг.

Vulnerable 2(VU:R), naturally rare locally distributed iran-turanian endemic species. It is reported from the Khorasm, Djizak regions and Karakalpakstan in Uzbekistan. It inhabits fixed-sand deserts. Few specimens are known. Limiting factors: development of virgin lands in the desert zone.



32. ГАЛАТЕЯ

Галатея

Galatea Tiger Beetle

Cicindela galatea Theime, 1881

Мақоми. 2(VU:R): Заиф, табиатан камёб, локал тарқалган Фарғона эндемик тури.

Тарқалиши. Фарғона водийсидаги тоғларнинг жанубий ва шимолий ён бағирлари (Марғилон ш., Водил, Куvasой қ. атрофи, Чотқол ва Курама тизмаларининг тоғ этаклари). Ўзбекистондан ташқарида: Тожикистон, Қирғизистон.

Яшаш жойлари. Тоғ этаги чўл ландшафтлари (д.с.б. 400-800 м).

Сони. XX асрнинг бошида кўп учрар эди, 40-йилларга келиб водийнинг жанубида йўқ бўлиб кетган, шимолида кам топилмалар орқали маълум.

Яшаш тарзи. Кам ўрганилган. Йилда бир марта насл беради. Вояга етганлари июнда ҳаракатчан бўлади. Йиртқич, майда ҳашаротлар билан озиқланади.

Чекловчи омиллар. Чўл ва тоғ этакларидаги кўриқларнинг хўжалик мақсадларида ўзлаштирилиши, хусусан ирригация тармоқларининг қурилиши.

Кўпайтириш. Кўпайтирилмаган.

Муҳофаза чоралари. Яшаш жойлари, сони, ҳаёт тарзини мукамал ўрганиш, яшаш жойларида муҳофазасини ташкил қилиш.

Манбалар. [31, 128].

О.Л. Крыжановский.



Статус. 2(VU:R): Уязвимый, естественно редкий, локально распространенный ферганский эндемичный вид.

Распространение. Южные и северные склоны Ферганской долины (окр. г. Маргелан, пос. Вуадиль, Куvasай, предгорья Чаткальского и Кураминского хр.). Вне Узбекистана: Таджикистан, Кыргызстан.

Места обитания. Пустынные ландшафты в предгорной зоне (400–800 м н.у.м.).

Численность. В начале XX века был обычен; исчез на юге долины в 40-х годах, на севере известен по малочисленным находкам.

Образ жизни. Недостаточно изучен. Одно поколение в году. Взрослые активны в июне. Хищник, питается некрупными насекомыми.

Лимитирующие факторы. Хозяйственное освоение целинных земель пустынно-предгорной зоны, в частности, ирригационное строительство.

Разведение. Не проводилось.

Меры охраны. Необходимы подробное изучение ареала, численности, образа жизни; организация охраны в местах обитания вида.

Источники. [31, 128].

О.Л. Крыжановский.



Vulnerable, naturally rare 2(VU:R), locally distributed Fergana endemic species. It is found in southern and northern areas of the Fergana Valley in Uzbekistan (near the town of Margelan, Vuadil, Kuvasay villages, in the Chatkal and Kurama ranges). It inhabits desert landscapes of the pre-mountain zone (400-800 m above sea level). It was completely extinct in the southern side of the valley after 1940s; few specimens are known from the northern side. Limiting factors: agricultural development of virgin lands in semi-desert zone.

33. ГЛАЗУНОВ ГУЛБАДАНИ

Красотел Глазунова

Glasunov's Beauty Ground Beetle

Callisthenes glasunovi

(Semenov, 1900)

Мақоми. 2(VU:R): Заиф, табиатан камёб, локал тарқалган Жанубий Туркистон эндемик тури.

Тарқалиши. Нурота т., Самарқанд ш. атрофи (Искандар қ.).

Яшаш жойлари. Тоғ этаклари текисликлари ва турли ўт ўсимликлар билан қопланган тоғ (д.с.б. 600-1000 м) ёнбағирлари.

Сони. Кам топилмалар орқали маълум. Сўнгги йилларда бу тур жуда кам топилган эди. 2001 йили Нурота қўриқхонасида махсус изланишлар олиб борилганда бу тур санокли даражада аниқланган.

Яшаш тарзи. Кам ўрганилган. Йилда бир марта насл беради. Вояга етганлари апрелда ҳаракатчан бўлади. Йиртқич, майда ҳашаротлар ва уларнинг личинкалари билан озиқланади.

Чекловчи омиллар. Пичан тайёрлаш, яйловдан чорвачиликда ҳаддан ташқари фойдаланиш, ерларнинг нураши, захарли кимёвий моддаларни кенг қўллаш.

Қўлайтириш. Қўлайтирилмаган.

Муҳофаза чоралари. Нурота қўриқхонасида муҳофаза остига олинган. Яшаш жойлари, сони, ҳаёт тарзини мукамал ўрганиш лозим.

Манбалар. [54, 55, 128].

О.Л. Крыжановский.



Статус. 2(VU:R): Уязвимый, естественно редкий, южно-туркестанский эндемик.

Распространение. Хр. Нуратау, окр. г. Самарканд (пос. Искандер).

Места обитания. Подгорные равнины и горные (600–1000 м н.у.м.) склоны с разнотравной растительностью.

Численность. Известен по малочисленным находкам. В последнее время отмечается очень редко. В Нуратинском заповеднике вид обнаружен в 2001 году в единичных особях.

Образ жизни. Недостаточно изучен. Одно поколение в году. Взрослые активны в апреле; хищники, питаются некрупными насекомыми и их личинками.

Лимитирующие факторы. Чрезмерный сенокос, перевыпас, водная эрозия земель, широкие обработки ядохимикатами.

Разведение. Не проводилось.

Меры охраны. Охраняется в Нуратинском заповеднике; необходимо подробное изучение ареала, численности, образа жизни.

Источники. [54, 55, 128].

О.Л. Крыжановский.



Vulnerable, naturally rare 2(VU:R), strict distributed south Turkestan endemic species. It is known from the Nuratau Ridge of Uzbekistan. It inhabits pre-mountain plains and mountain slopes with a rich cover of grasses in low altitudes. Few specimens are reported. Limiting factors: overgrazing, excessive hay-mowing, erosion of soils on the slopes and large-scale treatment of slopes with pesticides.

34. ЗАРУДНИЙ ТОШҚОЛИ

Жужелица Зарудного
Zarudnyy's Ground Beetle

Carabus zarudnyi

(Semenov et Znojko, 1932)

Мақоми. 2(VU:R): Заиф, табиатан камёб, Шимолий Туркистон эндемик тури.

Тарқалиши. Писком д. воҳасидаги Қоронғитўқай, Маштак қ. атрофи (Угом, Писком т.).

Яшаш жойлари. Тоғларнинг (д.с.б. 1200 – 2000 м) дарахт ва буталари кам, ўрнашмаган майда тошли, кўкатларга бой кунгай жойлари.

Сони. Кам топилмалар орқали маълум.

Яшаш тарзи. Кам ўрганилган. Йилда бир марта насл беради. Вояга етганлари тупроқда қишлайди, апрель-майда ҳаракатчан бўлади. Йиртқич, майда ҳашаротлар ва уларнинг личинкалари билан озиқланади.

Чекловчи омиллар. Дарахт ва буталарни кесиш орқали яшаш жойларини тугатиш, пичан тайёрлаш, чорвачиликда яйловдан ҳаддан ташқари фойдаланиш, заҳарли кимёвий моддаларни кенг қўллаш.

Кўпайтириш. Кўпайтирилмаган.

Муҳофаза чоралари. Угом-Чотқол миллий табиат боғида муҳофаза остига олинган. Яшаш жойлари, сони ва ҳаёт тарзини мукамал ўрганиш лозим.

Манбалар. [54, 127, 128].

О.Л. Крыжановский.



Статус. 2(VU:R): Уязвимый, естественно редкий, северотуркестанский узкий эндемик.

Распространение. Окр. пос. Карангитугай, Маштак в долине р. Пскем (Угамский, Пскемский хр.).

Места обитания. Горные (1200–2000 м н.у.м.), сухие разнотравные степи с редкой древесно-кустарниковой растительностью и мелкоосыпными участками.

Численность. Известен по малочисленным находкам.

Образ жизни. Недостаточно изучен. Одно поколение в году. Взрослые зимуют в почве; активны в апреле–мае. Хищник, питается некрупными насекомыми и их личинками.

Лимитирующие факторы. Уничтожение мест обитания вследствие вырубki древесно-кустарниковой растительности, чрезмерного сенокоса, перевыпаса; широкое применение ядохимикатов.

Разведение. Не проводилось.

Меры охраны. Охраняется в Угам-Чаткальском национальном природном парке; необходимо подробное изучение ареала, численности, образа жизни.

Источники. [54, 127, 128].

О.Л. Крыжановский.

Vulnerable, naturally rare 2(VU:R), strict north Turkestan endemic species. It is found in the valley of the Pskem River on Ugam and Pskem ridges in Uzbekistan. It inhabits mountain dry grasslands with rare trees and bushes in mid altitudes. Few finds are known. Limiting factors: destruction of habitats as a result of logging, overgrazing, excessive hay-mowing and large-scale application of pesticides in the past.

35. СУҒД ТОШҚОЛИ

Жужелица согдийская
Sogd Ground Beetle
Carabus sogdianus
Semenov, 1898

Мақоми. 2(VU:R): Заиф, табиатан камёб, локал тарқалган Жанубий Туркистон эндемик тури.

Тарқалиши. Зарафшон т., Танхоздарёнинг (Ҳисор т.) юқори оқими. Ўзбекистондан ташқарида: Тожикистон.

Яшаш жойлари. Тоғ водийларининг (д.с.б. 1500–2500 м) кенг япроқли, кўпинча заранг дарахтли ўрмонлари. Дарё ва сойлар бўйларида яшайди.

Сони. Кам топилмалар орқали маълум.

Яшаш тарзи. Кам ўрганилган. Йилда бир марта насл беради. Вояга етганлари апрель-майда ҳаракатчан бўлади. Йиртқич, асосан, моллюскалар билан озиқланади.

Чекловчи омиллар. Дарахт ва буталарни кесиш орқали яшаш жойларини тугатиш, пичан тайёрлаш, чорвачиликда яйловдан меъёрдан ортиқча фойдаланиш, захарли кимёвий моддаларни кенг қўллаш.

Кўпайтириш. Кўпайтирилмаган.

Муҳофаза чоралари. Яшаш жойлари, сони ва ҳаёт тарзини мукамал ўрганиш, яшаш жойларида махсус муҳофаза тартибини ўрнатиш лозим.

Манбалар. [53, 54, 128].

О.Л. Крыжановский



Статус. 2(VU:R): Уязвимый, естественно редкий, локально распространенный южно-туркестанский эндемичный вид.

Распространение. Зеравшанский хр., верховья р. Танхаздарья (Гиссарский хр.). Вне Узбекистана: Таджикистан.

Места обитания. Горные (1500–2500 м н.у.м.) долины с широколиственными, чаще кленовыми лесами. Обитает по берегам рек и ручьев.

Численность. Известен по малочисленным находкам.

Образ жизни. Недостаточно изучен. Одно поколение в году. Взрослые активны в апреле–мае. Хищник, питается в основном моллюсками.

Лимитирующие факторы. Уничтожение мест обитания вследствие вырубki древесно-кустарниковой растительности, чрезмерного сенокоса, перевыпаса; широкие обработки ядохимикатами.

Разведение. Не проводилось.

Меры охраны. Необходимы подробное изучение ареала, численности, образа жизни, организация охраны в местах обитания вида.

Источники. [53, 54, 128].

О.Л. Крыжановский.

Vulnerable, naturally rare 2(VU:R), locally distributed south Turkestan endemic. It is distributed in the Zaravshan and Gissar ridges of Uzbekistan. It inhabits mountain valleys with broad-leaved forests, mainly maple trees, living along the banks of rivers and streams. Few finds are known. Limiting factors: destruction of habitats as a result of logging, overgrazing, overuse of pesticides



36. АНТИЯ

Антия

Mannerheim's Anthia

Anthia mannerheimi

Chaudoir, 1842

Мақоми. 1(EN): Заиф, табиатан камёб, локал Эрон-Турон тури.

Тарқалиши. Сандикли чўлининг шимоли-ғарбий қисми (Аму-Бухоро канали атрофи). Ўзбекистондан ташқарида: Туркменистон, Эрон.

Яшаш жойлари. Чўлларнинг мустаҳкамлашган ва ярим мустаҳкамлашган кумли массивлари. Тепаликлар ўртасидаги сойлик ерларда яшайди.

Сони. Ўзбекистонда айрим топилмалар орқали маълум.

Яшаш тарзи. Кам ўрганилган. Йилда бир марта насл беради. Вояга етганлари апрель-май ойларида фаол бўлади. Йиртқич, бўғимоёқлилар ва майда калта-кесаклар билан озиқланади.

Чекловчи омиллар. Чўл қўриқларининг хўжалик мақсадларида ўзлаштирилиши, хусусан шудгорлаш ва чорвачиликда яйловдан ҳаддан ташқари кўп фойдаланиш, коллекция мақсадлари учун йиғиш.

Кўпайтириш. Кўпайтирилмаган.

Муҳофаза чоралари. Яшаш жойлари, сони ва ҳаёт тарзини мукамал ўрганиш, яшаш жойларида муҳофазасини ташкил қилиш лозим.

Манбалар. [37, 69, 107, 128].

О.Л. Крыжановский.



Статус. 1(EN): Уязвимый, естественно редкий ирано-туранский локальный вид.

Распространение. Северо-западная часть песков Сундукли у Аму-Бухарского канала. Вне Узбекистана: Туркменистан, Иран.

Места обитания. Закрепленные и полужакрепленные песчаные массивы пустынь. Приурочен к межгрядовым котловинам.

Численность. В Узбекистане известен по малочисленным находкам.

Образ жизни. Недостаточно изучен. Одно поколение в году. Взрослые активны в апреле-мае. Хищник, питается членистоногими, мелкими ящерицами.

Лимитирующие факторы. Хозяйственное освоение целинных земель пустынной зоны, в частности, распашка, перевыпас, коллекционирование.

Разведение. Не проводилось.

Меры охраны. Необходимы подробное изучение ареала, численности, образа жизни, организация охраны в местах обитания.

Источники. [37, 69, 107, 128].

О.Л. Крыжановский.

Vulnerable, naturally rare 1(EN), local Iran-Turanian species. It is found in the northwest Sundukli desert of Uzbekistan. It is reported from fixed and semi-fixed sandy deserts, living in hollows between sand dunes. In Uzbekistan, single finds are recorded. Limiting factors: development of virgin lands in desert zone.

37. ТУРКИСТОН СКАРИТИ

Скарит туркестанский
 Turkestan Scarit
Scarites turkestanicus
 Heyden, 1884

Мақоми. 1(CR): Фарғонанинг бутунлай йўқ бўлиб кетиш арафасида турган локал эндемик тури.

Тарқалиши. Фарғона водийсининг марказий қисми. Ўзбекистондан ташқарида: Тожикистон.

Яшаш жойлари. Чўлларнинг барқарор ва яриммустаҳкамлашган кумли массивлари. Тепаликлар орасидаги сойлик ерларда яшайди.

Сони. Бир неча донаси орқали маълум.

Яшаш тарзи. Кам ўрганилган. Йилда бир марта насл беради. Вояга етганлари апрель-июнда оқшомлари фаол бўлади. Йиртқич, майда ҳашаротлар ва уларнинг личинкалари билан озиқланади.


Чекловчи омиллар. Чўл қўриқларининг хўжалик мақсадларида ўзлаштирилиши, хусусан, шудгорлаш ва чорвачиликда яйловдан ҳаддан ташқари қўп фойдаланиш.

Қўпайтириш. Қўпайтирилмаган.

Муҳофаза чоралари. Яшаш жойлари, сони ва ҳаёт тарзини мукамал ўрганиш, яшаш жойларида муҳофазасини ташкил қилиш лозим.

Манбалар. [69, 128].

Г.В. Николаев.



Статус. 1(CR): Находящийся на грани полного исчезновения локальный ферганский эндемик.

Распространение. Центральная часть Ферганской долины. Вне Узбекистана: Таджикистан.

Места обитания. Закрепленные и полужакрепленные песчаные массивы пустынь. Приурочен к межрядовым котловинам.

Численность. Известны единичные особи.

Образ жизни. Недостаточно изучен. Одно поколение в году. Взрослые особи активны в сумеречно-ночное время в апреле-июне. Хищник, питается насекомыми и их личинками.

Лимитирующие факторы. Хозяйственное освоение целинных земель пустынной зоны, в частности, распашка, перевыпас.

Разведение. Не проводилось.

Меры охраны. Необходимы подробное изучение ареала, численности, образа жизни, организация охраны в местах обитания.

Источники. [69, 128].

Г.В. Николаев.



Critically Endangered 1(CR), Ferghana local endemic species. It is found in the central part of the Ferghana Valley in Uzbekistan. It inhabits fixed and semi-fixed sandy lands of desert, living in hollows between sandy dunes. Single finds are reported. Limiting factors: agricultural development of virgin lands in desert zone.

38. ФАРҒОНА КЕСКИРИ

Кравчик ферганский
 Fergana Lethrus
Lethrus bispinus
 В. Jakovlev, 1899

Мақоми. 1(CR): Бутунлай йўқ бўлиб кетиш арафасида турган Фарғона эндемик тури.

Тарқалиши. Фарғона водийсининг жануби.

Яшаш жойлари. Турли ўт-ўсимликлар билан қопланган тоғолди текисликлари ва тоғ (д.с.б. 600–800 м) ёнбағирлари.

Сони. Бир неча донаси орқали маълум.

Яшаш тарзи. Кам ўрганилган. Йилда бир марта насл беради. Вояга етганлари апрель-июнда фаол бўлади. Кўкатлар билан озиқланади.

Чекловчи омиллар. Чўл кўриқларининг хўжалик мақсадларида ўзлаштирилиши, хусусан, шудгорлаш ва чорвачиликда яйловдан ҳаддан ташқари фойдаланиш.

Кўпайтириш. Кўпайтирилмаган.

Муҳофаза чоралари. Яшаш жойлари, сони ва ҳаёт тарзини мукамал ўрганиш, яшаш жойларида муҳофазасини ташкил қилиш лозим.

Манбалар. [65, 73, 74].

А.В-А. Крейцберг.



Статус. 1(CR): Находящийся на грани полного исчезновения ферганский эндемик.

Распространение. Юг Ферганской долины.

Места обитания. Подгорные равнины и горные (600–800 м н.у.м.) склоны с разнотравной растительностью.

Численность. Известны единичные особи.

Образ жизни. Недостаточно изучен. Одно поколение в году. Взрослые особи активны в апреле–июне. Питается травами.

Лимитирующие факторы. Хозяйственное освоение целинных земель пустынной зоны, в частности, распашка, перевыпас.

Разведение. Не проводилось.

Меры охраны. Необходимы подробное изучение ареала, численности, образа жизни, организация охраны в местах обитания вида.

Источники. [65, 73, 74].

А.В-А. Крейцберг.

Critically Endangered 1(CR), local Fergana endemic species in the southern part of the Fergana Valley in Uzbekistan. It inhabits pre-mountain plains and mountain slopes with rich grass cover in low altitudes. Single finds are reported. Limiting factors: agricultural development of virgin lands in the desert zone.

39. ТЎҚАЙ ТИЛЛАҚЎНҒИЗИ

Златка тугайная

Tugay Buprestid

Eurythyrea oxiana

Semenov, 1895

Мақоми. 2(VU:D): Заиф, қисқариб бораётган, мозаик тарқалган турон (Амударё бўйи) эндемик тури.

Тарқалиши. Нукус ш. атрофи, Довғора, Хатеп қ., Қуйи Амударё биосфера резервати. Ўзбекистондан ташқарида: Тожикистон.

Яшаш жойлари. Текислик дарёлари қирғоқларидаги туранғили тўқайзорлар ва сийрак ўрмонлар.

Сони. Доимо кам бўлган. Кейинги ўн йилликлар давомида кескин қисқариб, баъзи жойларда бутунлай йўқ бўлиб кетган.

Яшаш тарзи. Кам ўрганилган. Личинкалари чириётган эски туранғида (*Populus pruinosa*) ривожланади. Учиши ва тухум қўйиши июнь-июлда.

Чекловчи омиллар. Хўжалик фаолияти натижасида тўқайзорларнинг йўқ қилиниши, хусусан, эски туранғи дарахтларининг кесиб ташланиши.

Кўпайтириш. Кўпайтирилмаган.

Муҳофаза чоралари. Яшаш жойлари, сони ва ҳаёт тарзини мукамал ўрганиш, яшаш жойларида муҳофазасини ташкил қилиш, тўқайзорларни сақлаб қолиш лозим.

Манбалар. [69, 81].

О.Л. Крыжановский.



Статус. 2(VU:D): Уязвимый, сокращающийся, туранский (приамударьинский) мозаично распространенный, эндемичный вид.

Распространение. Окр. г. Нукус, пос. Дадукара, Хатеп, Нижне Амударьинский биосферный резерват. Вне Узбекистана: Таджикистан.

Места обитания. Ленточные туранговые тугайные леса и рощи вдоль русел равнинных рек.

Численность. Всегда был малочислен. В последние десятилетия численность резко сократилась; в ряде мест полностью исчез.

Образ жизни. Недостаточно изучен. Личинки развиваются в отмирающей древесине перестойных деревьев тополя (туранги) разнолистного (*Populus pruinosa*). Лёт и яйцекладка – в июне–июле.

Лимитирующие факторы. Уничтожение тугайных лесов вследствие хозяйственной деятельности, в частности, вырубка перестойных деревьев туранги.

Разведение. Не проводилось.

Меры охраны. Необходимы подробное изучение ареала, численности, образа жизни, организация охраны в местах обитания вида, сохранение тугайных лесов.

Источники. [69, 81].

О.Л. Крыжановский.

Vulnerable, declining 2(VU:D), locally distributed turanian endemic species. It is found in Karakalpakstan and inhabits gallery forests with poplars (Populus pruinosa) along the river beds in the plains. The number was always low; in the last decades, near Amudarya river it has sharply declined. Limiting factors: destruction of gallery forests as a result of human activities and logging of poplar trees.



40. СУЛАЙМОН ТИЛЛАҚҲҲИЗИ

Златка соломонова
Solomon's Buprestid
Ancylocheira salomonii
Thomson, 1878

Мақоми. 2(VU:D): Заиф, қисқариб бораётган, мозаик тарқалган Эрон-Турон тури.

Тарқалиши. Бухоро, Когон, Самарқанд, Тўрткўл, Тошкент, Фарғона ш. атрофи. Ўзбекистондан ташқарида: Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон, Озарбайжон, Арманистон, Эрон, Туркия, Хитой (Шинжон).

Яшаш жойлари. Текисликдаги дарёлар, каналлар бўйидаги, аҳоли яшайдиган жойлар яқинидаги теракзорлар.

Сони. Илгари кўп учрар эди, кейинги ўн йилликлар давомида кескин қисқариб, баъзи жойларда бутунлай йўқ бўлиб кетган.

Яшаш тарзи. Кам ўрганилган. Личинкалари чириётган эски теракда (*Populus*) ривожланади. Учиши ва тухум қўйиши майиюнь ойларида.


Чекловчи омиллар. Эски теракларни кесиб ташлаш.

Кўпайтириш. Кўпайтирилмаган.

Муҳофаза чоралари. Яшаш жойлари, сони ва ҳаёт тарзини мукамал ўрганиш, яшаш жойлари муҳофазасини ташкил қилиш, теракзорларни сақлаш лозим.

Манбалар. [52, 69, 81].

А.В-А. Крейцберг.



Статус. 2(VU:D): Уязвимый, сокращающийся, мозаично распространенный ирано-туранский вид.

Распространение. Окр. г. Бухара, Каган, Самарканд, Тўрткўл, Ташкент, Ферғана. Вне Узбекистана: Казахстан, Таджикистан, Туркменистан, Азербайджан, Армения, Иран, Турция, Китай (Синцзянь).

Места обитания. Тополевые рощи вдоль русел равнинных рек, каналов, вблизи населенных пунктов.

Численность. Ранее был обычен, в последние десятилетия резко сократилась; в ряде мест полностью исчез.

Образ жизни. Недостаточно изучен. Личинки развиваются в отмирающей древесине перестойных деревьев тополей (*Populus*). Лёт и яйцекладка в мае-июне.

Лимитирующие факторы. Вырубка перестойных деревьев тополей.

Разведение. Не проводилось.

Меры охраны. Необходимы подробное изучение современного ареала, численности, образа жизни, организация охраны в местах обитания вида, сохранение тополевых рощ.

Источники. [52, 69, 81].

А.В-А. Крейцберг.



Vulnerable, declining 2(VU:D), mosaic distributed iran-turanian species. It is found in the Bukhara, Samarkand, Tashkent, Ferghana and Nukus regions of Uzbekistan. It inhabits poplar forests stretching along the flatland rivers, canals, near human settlements. In the past, it was common; in the last decades, the number has sharply declined. Limiting factors: logging of old poplar trees.

41. ФАРҒОНА ОЛАҚАНОТИ

Пестрянка ферганская
 Fergana Smoky Moth
Zygaena ferganae
 Sheljuzhko, 1941

Мақоми. 0(EW): Ер юзида йўқ бўлиб кетган Фарғона локал эндемик тури..

Тарқалиши. Фарғона водийсининг жанубидаги Бешариқ атрофида учраган.

Яшаш жойлари. Исфара д. эски ўзининг қуйи қисмидаги чўл-туқай мажмуаларида яшаган.

Сони. Тур 1937–1938 йилларда йиғилган кам сонли тўплам орқали маълум, ундан кейинги махсус қидирувларда бирор марта ҳам учрамаган.

Яшаш тарзи. Кам ўрганилган. Йилда бир марта насл берар эди. Учиши ва тухум қўйиши – июнь-июль ойларида.


Чекловчи омиллар. Чўлдаги кўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши, яшаш жойларида қишлоқлар қурилиши.

Кўпайтириш. Кўпайтирилмаган.

Муҳофаза чоралари. Кўрилмаган.

Манбалар. [127, 140].

А.В-А. Крейцберг



Статус. 0(EW): Исчезнувший в мире локальный ферганский эндемичный вид.

Распространение. Обитал в окр. пос. Бешарык в южной части Ферганской долины.

Места обитания. Был приурочен к пустынно-тугайным сообществам бывших низовий р. Исфара.

